КПСС XXIII СЪЕЗДИ ШАРАФИГА

Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ,
ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ВА МИНИСТРЛАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

«СОВЕТ УЗБЕКИСТОНИ» — ОРГАН ЦЕНТРАЛЬНОГО КОМИТЕТА КОМПАРТИИ УЗБЕКИСТАНА, ВЕРХОВНОГО СОВЕТА И СОВЕТА МИНИСТРОВ УЗБЕКСКОЙ ССР

47 йил чиқиши
№ 273 (13.229).
21 НОЯБРЬ
1965 йил
ЯКШАНБА
Баҳоси 2 тийин.

Оққўрғон районидаги Ҳамид Олимжон номли колхоз деҳқонлари ҳосилдан бўшаган ерларни пешма-пеш шудгор қилмоқдалар, келгуси йил мўл ҳосилга пухта замин ҳозирлаяптилар. Илғор механизатор Акмал Умаров бу соҳада алоҳида намуна кўрсатяпти. У кунлик шудгорлаш нормасини анча ошириб бажаряпти, ишнинг сифатли бўлишини таъминлаяпти. Суратда: ўртоқ А. Умаров ер ҳайдамоқда.

А. Абалян фотоси.



Зафар сатрлари

КПСС Марказий Комитети март ва сентябрь Пленумлари қарорларини изчиллик билан амалга ошираётган Бухоро областидаги «Ромитан» совхози механизаторлари сув танқис бўлган бу йилги шароитда пахтадан юқори ҳосил етиштирдилар. Йиғим-терим уюшқоқлик билан ўтказилганлиги туфайли пахта тайёрлаш йиллик плани ошириб бажарилди. Тайёрлов пунктларига 11 минг тоннадан зиёдроқ «оқ олтин» етказиб берилди.

Совхоз давлатга гўшт, тухум, жун, қоракўл тери, пилла, сабзавот, полиз экинлари маҳсулоти етказиб бериш планларини ҳам ошириб бажарди.

□ □

Шонли партиямизнинг XXIII съездини муносиб совғалар билан кутиб олиш учун курашаётган Самарқанд районн механизаторлари яна бир ғалабани қўлга киритдилар. Давлатга пландаги 9700 ўрнига 9738 тонна пахта топширилиб, йиллик план муддатидан илгари бажарилди.

Самарқандликлар яна 1000 тонна пахта сотишга аҳд қилдилар. Айни вақтда дала ишлари конвейер усулида олиб борилмоқда.

□ □

Хива районн чорвадорлари КПСС XXIII съезди шарафига мусобақани авж олдириб, сут тайёрлаш йиллик планини муддатидан олдин бажардилар. Давлатга 3 минг 800 тоннадан кўпроқ сут сотилди.

Шовот районн хўжаликлари ҳам қувончли ютуқни қўлга киритдилар. Давлатга 1700 тоннага яқин сут сотилиб, йиллик план ошириб адо этилди.

□ □

Қашқадарё областида мева ва сабзавотлардан мўл ҳосил етиштирилди. Уларнинг бир қисми Китоб консерва заводида қайта ишланди. Корхона механизаторлари машина-ускуналар қувватидан самарали фойдаланиш натижасида ўтган йилдагига қараганда анча кўп консерва маҳсулотларн тайёрлашга муваффақ бўлдилар. Завод коллективи КПСС XXIII съезди шарафига олган мажбуриятларини муваффақиятли адо этмоқда. Консервачилар маҳсулот тайёрлаш ҳажми бўйича етти йиллик планни муддатидан илгари бажардилар. Планга қўшимча 1 миллион банкадан ортиқ консерва ишлаб чиқарилди. Улар йил охиригача яна камида 3 миллион банка консерва тайёрлаш учун курашмоқдалар.

□ □

Андижон шаҳрида кейинги йилларда аҳолига маиший хизмат кўрсатадиган корхоналарнинг тармоқлари анча кенгайтирилди. Шаҳарда аҳолига маиший хизмат кўрсатиш 1958 йилдагига қараганда икки баравар кўпайди. Андижон шаҳар маиший хизмат кўрсатиш комбинатининг ишчилари, инженер-техник ходимлари КПСС XXIII съездини янги зафарлар билан нишонлашга ҳаракат қилиб етти йиллик маррасини барвақт эгалладилар.

АТОҚЛИ ЛЕНИНЧИ—РЕВОЛЮЦИОНЕР

Коммунистик партия ва Совет давлатининг атоқли арбоби М. И Калинин туғилган кунининг 90 йиллигига бағишланиб, пойтахт меҳнаткашлари ва жамоат ташкилотлари вакилларининг тантанали йиғилиши ўтказилди. Бу йиғилиш 19 ноябрда союзлар уйининг колонна залида бўлиб ўтди.

КПСС Марказий Комитети Президиумининг аъзоси, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси А. И. Микоян, СССР Олий Совети Президиуми Раисининг ўринбосарлари Н. Г. Игнатов ва Ё. С. Насриддинова, СССР Олий Совети Президиумининг аъзолари С. М. Будённий ва К. Е. Ворошилов, КПСС Марказий Ревизия комиссиясининг раиси Н. А. Муравьева, Михаил Иванович билан бирга ишлаган партия ветеранлари йиғилиш президиумида ўтиришибди.

КПСС Москва шаҳар Комитетининг секретари Н. А. Кузнецов кириш нутқи сўзлаб йиғилишни очди. СССР Олий судининг раиси А. Ф. Горкин доклад қилди.

СЪЕЗДНИ МУНОСИБ КУТИБ ОЛАЙЛИК

Металлургия саноати ишчилари касаба союзининг Москвада ўтказилаётган VIII съезди 19 ноябрда ўз ишини тамомлади. Ҳисобот докладини муҳокама қилишда СССР Қора металлургия министри И. П. Казанец ва СССР Рангли металлургия министри П. Ф. Ломако қатнашдилар. Улар халқ хўжалигининг мана шу энг муҳим тармоқларини ривожлантиришнинг 1966 йилги планлари ҳақида гапирдилар.

Съезд делегатлари меҳнатни муҳофаза қилиш, металлургларга маданий-маиший хизмат қилиш масалаларига анча эътибор бердилар.

Металлургларнинг меҳнатини муҳофаза қилиш ва хавфсизлик техникасини яхшилашга кейинги уч йил ичида бир юз олтмиш миллион сўм сарфланди. Металлурглардан бир неча юз минг киши санаторийларда, профилакторийларда, дам олиш уйларида дам олишди ва даволанишди. Корхоналарда травматизм анча камайди. 1964 — 1965 йилларда металлурглар умумий саҳни икки миллион квадрат метрдан кўпроқ уй-жой олишди.

Съездда қабул қилинган қарорда делегатлар металлургларни КПСС XXIII съезди шарафига бошланган мусобақани кенг авж олдиришга чақирдилар.

Съезд ишида КПСС Марказий Комитетининг Секретари А. П. Рудаков, СССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари Н. А. Тихонов қатнашдилар.

(ТАСС мухбири).

РАСМИЙ ХАБАРЛАР

УЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ ФАРМОНИ

ЎРТОҚ С. МАМАРАСУЛОВНИ ЎЗБЕКИСТОН ССР МЕЛИОРАЦИЯ ВА СУВ ХЎЖАЛИГИ МИНИСТРИ ҚИЛИБ ТАЙИНЛАШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми қарор қилади.

Ўртоқ Солижон Мамарасулов Ўзбекистон ССР мелиорация ва сув хўжалиги министри қилиб тайинлансин.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми Раисининг ўринбосари А. АБДАЛИН.
Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Секретари Р. САХИБОЕВ.
1965 йил 20 ноябрь. Тошкент шаҳри.

СЎЗ — МАШЪАЛАРИМИЗГА

Сут бўлоқлари

Колхозимиз кўп тармоқли хўжалик. Бизда пахта, сабзавот, узум, гўшт ва бошқа хил маҳсулотлар етиштирилади. Ихтисослаштирилган чорвачилик фермаларимиз, ўнлаб деҳқончилик бригадаларимиз бор. Фермаларга ва бригадаларга ўз касбини жонидан севадиган, масъулиятни чуқур ҳис қиладиган, янгидан-янги ташаббус кўрсатиб ишлайдиган, аввало жамоат манфаатини кўзлаб иш кўрадиган жонкуяр колхозчилар бириктириб қўйилган. Бу эса хўжаликни ҳар томонлама юксалтиришда, йил сайин ғалабадан ғалабага эришишда катта аҳамиятга эга бўлмоқда. Деҳқончилик ва чорвачилик маҳсулотлари йилдан-йилга кўп етиштирилаяпти. Бу соҳадаги давлат планлари ошиғи билан бажарилаяпти, бойлигимиз кўпаймоқда, даромадимиз ошаяпти.

Сут-товар фермамизнинг ақалли бу йилги ютуқларини олиб қарайлик. Фермамиз коллективининг бир ёқадан бош чиқариб ишлаётганлиги туфайли етти йилликнинг якунловчи йилида ҳар йилдагидан ҳам катта муваффақиятларни қўлга киритмоқдамиз. Пландаги 704 тонна, мажбуриятдаги 724 тонна ўрнига ҳозирданоқ 780 тонна серқаймоқ сут етиштирилди. Давлатга 581 тонна сут сотилиб, йиллик план ўн ярим ойда тўла бажарилди. Ҳар бир сигирдан мўлжалдаги 2050 килограмм ўрнига ўртача 2200 килограммдан сут соғилди. Йил охиригача яна эллик-олтмиш тонна сут етиштириш ва унинг анча қисмини давлатга сотиш имкониятига эгамиз.

Фермамизда 19 соғувчи ишлайди. Ҳаммаси ҳам фидокор, меҳнатсевар, иш техникасини яхши эгаллаб олган ёшлар. Ана шу азаматлардан бири Музаффара Қосимовадир. Сигирлардан кўп сут соғиб олишда, моддий бойликлар яратишда унинг олдига тушадиган соғувчи фермамизда ҳозирча йўқ. У кейинги икки йил ичида колхозга 20 минг сўмдан ортиқ соф фойда берди. Ўртоқ Қосимованинг бу йил етказадиган манфаати янада кўпроқ бўлади. Музаффара ўз боқимидаги 20 бош сигирнинг ҳар биридан пландаги 2050 килограмм ўрнига 3250 килограммдан серёғ сут соғиб олди. Унинг сигирлардан шу кунгача соғиб олган сути 65 тоннадан ошиб кетди. Бу — йиллик планда белгиланганидан 20 тонна кўпдир.

Бу йил сут-товар фермамиз колхозга катта фойда беради. Бунда сигир соғувчиларимиздан Набира Муродова, Солиҳ Ҳакимов ўртоқларнинг салмоқли ҳиссаси бор. Ўртоқ Муродова сигирлардан сут соғиб олиш юзасидан берилган йиллик топшириқни етти ойдаёқ адо этди. У 18 бош сигирдан шу кунгача 58 тонна — топшириқдагидан 16 тонна зиёд сут соғиб олишга эришди. Бу — бир неча минг сўм қўшимча фойда демакдир. Солиҳ Ҳакимов 16 бош сигирдан пландагига нисбатан 10 тонна ортиқ сут соғиб топширди. Нафиса Исаҳўжаева ўн саккиз бош сигирдан йиллик пландаги 40 тонна ўрнига ўн ярим ойда 53 тонна, Шарифа Ҳакимова 59 тонна сут соғди. Соғувчиларимизнинг ҳаммаси ҳам мақтасa мақтагудай азаматлардир.

Бизнинг кўп йиллик тажрибамиз шуни кўрсатдики, сигирлардан кўп ва серёғ сут соғиб олиш молларнинг парваришига боғлиқдир. Бу эса молбоқарлардан, сигир соғувчилардан маҳорат талаб қилади. Фермамиздаги ҳозир сут бераётган 339 бош сигирнинг ҳаммаси наслли — қораола, эстон қизили ва швед зотидандир. Бу сигирлар асосан шу ерда урчитиб кўпайтирилган. Бу сигирлар серсутлиги, маҳсулдорлиги билан ажралиб турадилар. Соғувчилар ва молбоқарларимиз уларни меҳр билан парвариш қиладилар. Шу йўл билан улар сутнинг кўпайишига муносиб ҳисса қўшяптилар.



Озуқа рационн жуда бой. Маълумки, моллар бир хил озуқа ейверса меъдасига тегади, баданига яхши сингмайди. Натижада сигирларнинг сути камайиб кетади. Шуни ҳисобга олиб, сигирларга ҳар хил тўйимли озуқалар — маккажўхори силоси, беда пичани, завод чиқиндилари едирилади. Силос ва хашак «ДКУ-1,2» машиналарида майдалаб берилади. Сигирларнинг иштаҳасини очиш, озуқаларнинг тўйимлилигини ошириш ниятида силос, беда ва завод чиқиндиларига туз ҳамда майдаланган кунжара аралаштирилади. Бундай озуқани сигирлар иштаҳа билан ейди, баданига яхши юқади ва тез ҳазм бўлади, сувни кўп ичиради. Бу — сут демакдир.

Фермамиздаги ҳамма оғир иш машиналар зиммасига юклатилган. Молхоналарни тозалаш, молларга ем-хашак етказиб беришдан тортиб, сигирларни суғориш ва соғишгача бўлган ҳамма иш механизация воситасида бажарилади. Моллар автопоилкада суғорилади. Сигирлар Саратов агрегатларида соғилади. Сигирларни бу агрегатларда соғиш арча усулида ва тандем машиналарида соғишга кўра анча қулай. Саратов агрегатларида бир соғувчи бир йўла 67 бош сигирни соға олади. Бунинг учун соғувчи бор-йўғи 30 минут сарфлайди. Бунинг натижасида вақтдан ютилади, ишчи кучлари тежалади, ҳаражат камаяди. Саратов агрегати ўрнатилиши муносабати билан фермамизда соғувчилар сони икки баравар қисқартирилди. Сигирлар бу агрегатга тез кўникди.

Соғувчиларимиз янги машиналарда ишлаш техникасини пухта эгаллаб олишди.

Сигирлар ширали ва тўйимли озуқа бериб боқилаётганлиги, фермада ии маданияти оширилаётганлиги сабабли сут серёғ бўлмоқда. Давлатга топширилаётган сутнинг ёғлик миқдори 3,9-4 процентни ташкил қилади. Бу — СССР Министрлар Советининг қарори билан белгиланган миқдордан анча ортиқдир. Шунинг учун ҳам фермамиз топшираётган сут юқори баҳо билан қабул қилиняпти. Биз бундан кўп миқдорда қўшимча даромад оламиз.

Чорвадорларнинг моддий манфаатдорлигини ошириш, яхшироқ ишлашга қизиқтириш мақсадида уларга прогрессив усулда ҳақ тўланмоқда. Масалан, 100 литр сут соғиб олган соғувчига бир меҳнат куни ёзилади. Бу нормани ошириб бажарган соғувчиларга унинг 60 процентн миқдорида қўшимча меҳнат куни берилади. Шу тариқа ҳар бир соғувчи ойига 100 сўмга етказиб, ҳатто ундан ҳам ошириб ҳақ олаяпти. Унинг 70 процентн миқдорида аванс бериб бориляпти, Аванс ҳар ойда бир марта берилади.

Биз қиш ғамини эрта баҳордаёқ кўра бошлаймиз. Бу йил 120 гектар ерга маккажўхори экиб, ундан 3700 тонна силос бостирдик. 110 гектар бедапоядан 1200 тонна пичан ўриб олдик. 400 тонна сомон ва кўп миқдорда завод чиқиндилари тайёрлаб қўйдик. Ҳар бир сигирга кунига икки килограммдан беришга етадиган кунжара сотиб олдик. Қаттиқ совуқ бўлган кезларда сигирлар, гунажинлар, буқа ва бузоқларни далага чиқармасдан боқиш учун иссиқ молхоналаримиз, ҳаво очиқ кунларда молларни яйратиш учун кенг ва озода ҳовлиларимиз бор.

Шонли етти йилликни юқорн хўрсаткичлар билан якунлаяпмиз. Бу етти йилликда аввалги етти йилликка қараганда қарийб бир ярим баравар кўп сут етиштирилди, икки баравардан ортиқ даромад қиляпмиз. Чорвадорларимиз тер тўкиб қилган меҳнатларининг мевасини кўриб қувонишмоқда, унинг ғаштини суришмоқда. Шу билан бирга улар ўз олдиларида янада улуғвор ва фахрли вазифалар турганлигини, келажак ҳозиргидагидан ҳам астойдил меҳнат қилишга чорлаётганлигини унитаётганлари йўқ. Хўжалик йилини ҳар йилдагидан яхшироқ якунлаш, КПСС XXIII съездини меҳнатда янги ғалабаларга эришиш билан нишонлаш учун ҳамма бир жон-бир тан бўлиб ишламоқда. Коллективимиз янги марралар сари интилмоқда. Юксак марра албатта эгалланади.

Мўмин НУРМАТОВ,
Тошкент область, Оржоникидзе районидаги Ленин номли колхоз сут-товар фермасининг мудири.

Шарифа Ҳакимова Оржоникидзе районидаги Ленин номли колхозининг илғор сут соғувчиларидан ҳисобланади. У боқимидаги 27 сигирнинг ҳар биридан бу йил 2.500 литрдан сут соғиш мажбуриятини олган. Суратда: ўртоқ Ш. Ҳакимова.

А. Тўраев фотоси.

СУРЪАТ ҚАНОТИДА

Осмонўпар кўтарма кран устида байроқ ҳилпирайди. Ишчиларнинг руҳи тетик, вақти чоғ. Мана, йирик хартумли кўтарма кран йирик панелларни бинонинг тўртинчи қаватига кўтариб беряпти. Файзи Шодиев, Шароф Абдуллаев, Раҳмон Жабборов каби монтажчиларнинг қўли-қўлига тегмайди. Қувноқ йигит Шароф баъзан қўл кўтариб қранчи қизга:

— Шошилма, ўнг томонга сур! Яна, яна...—деб команда беради.

Булутларга яқин кабинада ўтирган Қамбархон Муртазоева машинани эпчил бошқариб, машҳур бинокор йигитнинг амрини бажо келтирди.

— Энди қоришма узатинг, — дейди иккинчи қаватда ишлаётган Екатерина Краева.

Қамбархоннинг «узун қўли» бир четда тайёр турган қоришмаларга етди. Қурилишдаги барча операцияларнинг тез ва пухта бажарилишини таъминлаётган қранчи қиз баъзан ҳилпираб турган лоларанг байроққа суқланиб боқади. Қиска муддатли танаффус пайтларида ундаги «Коммунистик меҳнат зарбдориға!» деган сўзларни такрор-такрор ўқийди. Қамтар, ишбилармон Қамбархон ана шу шарафли номга осонликча эришгани йўқ. Қунт ва чидам билан меҳнат қилди. Бир вақтнинг ўзида ёнмаён турган икки объектга аъло даражада хизмат қилишни ўрганди. Шунинг учун ҳам у хизмат қилаётган қурилиш бригадаси шу йилнинг ўтган тўққиз ойи мобайнида 48 квартирали 6 та уйни «аъло» баҳо билан фойдаланишга топширди.

Бухородаги уйсозлик комбинатининг М. Исмоилов, А. Амиров, Қ. Жуманиёзов ўртоқлар бошлик бригадаларининг аъзолари КПСС Марказий Комитетининг сентябрь Пленуми қарорларига жавобан қурилиш суръатини тезлаштириш ва сифатини янада яхшилаш учун астойдил курашмоқдалар. Комбинатдаги ҳар бир қурувчи ўтган йилдагига нисбатан бу йил 979 сўмлик кўпроқ қурилиш ишларини бажарди. Ишлаб чиқарилган маҳсулотнинг таннархи 17,4 минг сўм арзонлаштирилди. Тайёрланган ҳар бир кубометр темирбетон маҳсулотига планда кўзда тутилганидан 2,3 тийин кам маблағ сарфланди.

Бинокорлар виждонан ишламоқдалар. Натижада фойдаланишга топширилаётган уй-жой ва жамоат биноларининг сифатидан ҳамма мамнун бўлаётир. Бунга, албатта қурилиш ишларида механизмлардан тўғри ҳамда унумли фойдаланиш туфайли эришиляпти. Чунончи, ҳозир барча объектларда биноларнинг ички ва ташқи деворларини бўяш ишлари ҳам электр пуркагич механизмлар воситаси билан бажарилмоқда. Ихтирочи ва рационализаторлар томонидан ишлаб чиқилган 20 дан ортиқ новаторлик таклифи қўл билан бажариладиган кўпгина ишларни механизациялаштиришга имкон берди. Шу тариқа ўтган тўққиз ой мобайнида 30 минг сўмлик давлат маблағи тежаб қолинди.

Яқинда Бухорода ўн қаватли янги «Интурист» меҳмонхонасининг пойдеворини ётқизиш маросими бўлди. Бухоро уйсозлик комбинатининг механизатор коллектива бу замонавий йирик иншоотни КПССнинг, XXIII съездига совға этишга аҳд қилди. Бу йирик инженерлик иншооти шиша, бетон ва алюминийдан қад кўтаради.

Уйсозлик комбинатининг директори ўртоқ Ю. Ҳусанов шундай деди:

— КПСС Марказий Комитетининг сентябрь Пленуми қарорлари бинокорларимиз гайратига ғайрат қўшди. Пленум лойиҳа ва планлаштириш органлари ишидаги нуқсонларни очиб ташлаб, қурилиш суръатини янада тезлаштириш истиқболини кўрсатиб берди. Бу тадбир қурилиш ташкилотлари ва уларнинг заказчилари ўртасидаги алоқаларни янада яхшилайди. Чунончи, область ижроия комитетининг капитал қурилиш бўлими бизнинг асосий заказчиларимиз ҳисобланади. Бироқ, бўлим ходимлари иккинчи микрорайондаги хонадонларни электроэнергия, иссиқлик тармоқлари, алоқа воситалари билан таъминлаш, канализация иншоотларини қуриш масалаларини ҳалигача узил-кесил ҳал қилмаётирлар. Кўпгина иншоотларнинг техника ҳужжатлари ўз вақтида етказиб берилмаётир. Умуман, шаҳримиздаги иккинчи микрорайоннинг лойиҳа ҳужжатларида катта хато ва камчиликларга йўл қўйилган эди. Эндиликда ана шу хилдаги нуқсонларга бутунлай барҳам берилади...

Бухоро уйсозлик комбинати бинокорлари 15 минг кишига мўлжалланган учинчи микрорайон қурилишини жадал олиб бормоқдалар. Яқин кунларда комбинатнинг ишлаб чиқариш қувватини 35 минг квадрат метр маҳсулот тайёрлайдиган даражада ошириш имконияти берадиган бетон узели ишга туширилади. Шундан кейин бухоролик бинокорлар қурилиш суръатини янада ошириш имкониятига эга бўладилар.

Т. НАЗИРОВ,
«Совет Ўзбекистони» мухбири.

Советлар мамлакатида

● БИЛКИ ҚИШЛОҒИ. (Закарпатье области). Закарпатьенинг машҳур маккажўхорикори Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Юрий Питра звеноси далалардан сўнгги центнер маккажўхори сўталарини йиғиштириб олди. Гектаридан 120 центнердан (сўтаси билан ҳисоблаганда 180 центнердан). Қуруқ дон олинди.

Юрий Питра звеноси ўн етти йилдан бўён муттасил маккажўхори етиштирмоқда. Мана шу йиллар ичида звено бирон марта ҳам гектаридан юз центнердан кам ҳосил олгани йўқ.

● НЕЖНАЯ ТУРА (Свердловск области). Исовск олтин конининг қимматбаҳо металлар қазиб чиқарувчилари яхши меҳнат қилмоқдалар. Йил бошидан бери бу ерда топшириқдан ташқари юз минглаб куб метр платинали ва олтинли қумлар қайта ишланди.

Гидравлистлар мажбуриятни бажардилар ва 1965 йилга мўлжалланганидан анча кўп платина ва олтин чиқардилар.

Ҳозирги вақтда Уралда совуқ 36 градусга етмоқда, бироқ драгаларнинг унумдорлиги камаймаётир. 14 ноябрда Исовск олтин конининг коллективи ўз мажбуриятларини қайта кўриб чиқди. Барча кўрсаткичлар бўйича йиллик планни 15 декабрда бажаришга қарор қилинди. Бу илғари кўзда тутилган муддатдан ўн кун олдиндир. Нодир металлар қазиб чиқарувчилар КПССнинг XXIII съездига совға тайёрламоқдалар: съезд очилиши кунигача улар 1966 йил биринчи кварталн топшириғини бажаришни мўлжалламоқдалар.

● АБАКАН. Енисей бўйи Сибирида янг бир қурилиш пайдо бўлди. Ғарбий Саян тог тизмалари томон дастлабки ўн мачта бўй чўзди. Уч юз километр массфадаги юқори вольтли линия қурила бошланди. Бу линия орқали Красноярск энерго системасининг токи Тувининг ғарбий районларига олиб келинади. (ТАСС).

«ОҚ ОЛТИН» ХИРМОНИГА

РЕСПУБЛИКАДА ПАХТА ТАЙЁРЛАШНИНГ БОРИШИ ТЎҒРИСИДА 20 НОЯБРГА БЎЛГАН МАЪЛУМОТ

(Планга нисбатан процент ҳисобида).

Хоразм — бир кунда 0,16, мавсум бошидан 118,51, Тошкент — бир кунда 0,18, мавсум бошидан 112,64, Қорақалпоғистон АССР — бир кунда 0,42, мавсум бошидан 112,32, Самарқанд — бир кунда 0,26, мавсум бошидан 109,84, Сурхондарё — бир кунда 0,18, мавсум бошидан 109,80, Фарғона — бир кунда 0,23, мавсум бошидан 105,73, Андижон — бир кунда 0,30, мавсум бошидан 102,84, Қашқадарё — бир кунда 0,08, мавсум бошидан 101,17, Сирдарё — бир кунда 0,29, мавсум бошидан 100,63, Бухоро — бир кунда 0,14, мавсум бошидан 100,31.

Ўзбекистон ССР бўйича — бир кунда 0,23, мавсум бошидан 106,53.

Республикада 19 ноябрь куни 8.542 тонна пахта тайёрланди.

Янги завод толаси

Кегайли районида йилига 25 минг тонна «оқ олтин»ни қайта ишлайдиган пахта тозалаш заводи ишга туширилди. Завод коллективи бир кеча-кундузда 80-100 тонна «оқ олтин» толаси тайёрламоқда.

Р. ЕШИМБЕТОВ.

КПСС МК сентябрь Пленуми қарорларини амалга оширамиз

РЕЖАЛАРИМИЗ

ПАРТИЯ ТУРМУШИ

КПСС Марказий Комитетининг сентябрь Пленуми ўз ишини тамомлаганига энди бир ярим ойдан ошди. Ана шу давр ичида Фарғона область партия ташкилоти Пленум қарорларини амалга ошириш юзасидан бир қанча ишлар қилди. Ҳамма шаҳар ва район комитетларида кенгашлар ўтказилди. Уларда Пленум қарорларини пропаганда қилиш юзасидан партия ходимларига тегишли кўрсатмалар берилди. Пленум материалларини тушунтириш ишида саноат, қурилиш ва транспорт корхоналарида 16 мингга яқин агитатор иш олиб бормоқда. Область партия комитети лекторлар группаси махсус доклад тайёрлаб, шаҳар ҳамда район партия комитетларига жўнатди. Бу ишда уларга амалий ёрдам кўрсатиш учун жойларга область партия комитетининг 100 дан ортиқ докладчилари юборилди. Область «Билим» жамияти ҳам конкрет тадбирлар белгилаб олди.

«Ферганская правда» газета редакцияси эса саноат корхоналари, автотранспорт хўжаликлари ва молия-кредит органлари ходимларининг журналистлар билан учрашувини ўтказди. Бу учрашувда корхона раҳбарлари сентябрь Пленуми қарорларини амалга ошириш борасида туғилаётган масалаларни қандай ҳал этиш юзасидан фикрлашиб олдилар. Учрашувда Охунбобоев номидаги тикувчилик фирмаси, Марғилон ипак комбинати, Фарғона нефтни қайта ишлаш заводи, Олтиариқ нефтни қайта ишлаш заводи, Фарғона ёғ-мой комбинати, Қўқон суперфосфат заводи сингари қатор корхоналарнинг раҳбар ходимлари ва мутахассислари иштирок этди. Бундан ташқари, область партия комитетининг саноат бўлимида йирик саноат корхоналари раҳбарлари иштирокида ўтказилган учрашувда илгари йўл қўйилган камчиликлар очиб ташланди, уларни бартараф этиш йўллари белгилаб олинди. Шунингдек, область партия комитетида Фарғона ва Қўқон шаҳарларидаги йирик корхоналарнинг ходимлари иштирокида катта йиғилиш ўтказилди. Унда мутахассислар сентябрь Пленуми қарорларини ҳар бир корхона шароитида қандай яхшироқ амалга ошириш юзасидан конкрет таклифларини айтдилар. Биринчи галда ҳал этилиши лозим бўлган масалалар белгилаб олинди.

Ноябрь ойининг бошларида область партия комитети КПСС Марказий Комитети сентябрь Пленуми муносабати билан ўзининг пленумини ўтказди. Ҳозир шаҳар ва район партия комитетларининг пленумлари ўтказилмоқда. Бунда саноатга раҳбарликни яхшилаш, планлаштиришни такомиллаштириш ва саноат ишлаб чиқаришини иқтисодий рағбатлантириш масалалари кўриб чиқилаётир. Область партия комитетининг пленуми шаҳар ва район партия комитетлари ва бошланғич партия ташкилотларининг эътиборини сентябрь Пленуми материалларини корхоналарда чуқур тушунтириб бериш масаласини қўйган эди. Ҳозирги пайтда ҳамма ерда бошланғич партия ташкилотлари йиғилишларида сентябрь Пленуми қарорлари муҳокама қилинмоқда. 10 ноябргача бундай йиғилишлар 500 га яқин ташкилотда ўтказилди. Унда 16 мингдан ортиқ коммунист иштирок этиб, бир ярим минг киши доклад муҳокамасида қатнашди.

Область партия комитетининг ташкилий ишлар бўлими 30 та йирик корхонада алоҳида бошланғич партия ташкилотлари йиғилишларини ўтказиш графигини тузиб чиқди. Уларда область партия комитетининг секретарлари, бюро аъзолари ва аппаратнинг масъул ходимлари доклад қиладилар. Область партия комитетининг лекторлар группаси сентябрь Пленуми қарорларини тушунтириш юзасидан конкрет иш бошлаб юборди. Бу ишда саноат ишлаб чиқаришининг мутахассисларидан 18 та штатсиз лектор ёрдам бермоқда. Сентябрь Пленуми қарорлари якунларига бағишланган йиғилишлар ишчанлик вазиятида ва юқори савияда ўтказилмоқда. Бу муҳокамаларда коммунист ва мутахассислар меҳнаткашлар ҳозиргача йўл қўйилган камчиликларни бартараф этиш юзасидан қимматли таклифлар айтмоқдалар.

Масалан, Фарғона тўқимачилик комбинати коллективи дағал газламалар ишлаб чиқаришда станоклар унумдорлигини 7 процент кўтариш мумкин. Бу ҳам Пленум қарорлари муҳокамаси даврида излаб топилган резервлардан биридир. Фарғона уйсозлик комбинати коммунистлари ва мутахассислари Москва илмий-тадқиқот институти ходимлари билан биргаликда олдиндан бетон қоришмасини 80-90 градус температурагача қиздириб олиб, уни совутмасдан қуйиш технологиясини ишлаб чиқаришга жорий этиш тадбирларини ишлаб чиқдилар. Бу бир сўмлик маҳсулот ишлаб чиқаришга кетадиган харажатларни кескин камайтиради. Шу билан бирга, комбинатнинг маҳсулот ишлаб чиқариш қувватини оширади, яъни комбинат ҳозиргидан йилига 30 минг квадрат метр кўп уй-жой қуриш имконини берадиган йигма темир-бетон конструкциялари ишлаб чиқарадиган бўлади.

Фарғона нефтни қайта ишлаш заводи коллективи ҳам Пленум қарорларини амалга ошириш юзасидан конкрет тадбирлар белгилаб олди. 27 та муҳим проблемани яқин вақт ичида ҳал қилиш мўлжалланмоқда. Масалан, ҳадемай нефтни қайта ишлашга тайёрлаш вақтида кам унумли ускунани унумдор ускуна билан алмаштирилади. Бу — нефть сифатини яхшилайди ҳамда реагентларга сарфланадиган харажатни 3,5 баравар камайтиради. Шунингдек, корхонада истеъмолчилар талабига мувофиқ «А-66» ўрнига «А-72» бензини ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш мўлжалланмоқда. Асосий технологик ускуналарга ҳаво ёрдамида совутадиган конденсаторлар ўрнатиш кўзда тутилди. Бу эса сувни, электр энергиясини кўплаб тежаб қолиш имконини беради. Шунингдек ишни ташкил қилишни яхшилаш, ишлаб чиқаришни планлаштиришни такомиллаштириш ҳамда келажакда корхонани кенгайтириш юзасидан жуда кўп тадбирлар белгиланди. Буларнинг ҳаммаси яқин келажакда заводнинг йиллига кўплаб миқдорда нефтни қайта ишлайдиган бўлишига имкон беради. Фарғона нефтни қайта ишлаш заводи коллективи сентябрь Пленуми қарорларини амалга ошириш юзасидан белгиланган тадбирларни ишлаб чиқаришга жорий этишга киришди.

Сентябрь Пленуми қарорларини амалга ошириш юзасидан Фарғона азот ўғитлари заводи, Марғилон ипак комбинати, Қўқон суперфосфат заводи, Олтиариқ нефтни қайта ишлаш заводи ва яна бир қанча корхоналарнинг коллективлари ҳам тадбирлар белгилаб олиб, уларни амалга оширишга киришдилар.

Сентябрь Пленуми қарорлари ишчилар, инженер-техник ходимлар, корхона раҳбарларининг эътиборини ишнинг кўзини билиб хўжалик юритишга, кирим билан чиқимнинг фарқига боришга қаратди. Пленумдан кейинги ўзгаришлар саноатдаги ҳар бир мутахассисни, ишчини қувонтирмоқда. Улар бу қайта қуришдан корхона ва меҳнат аҳли кўрадиган фойдани тўғри баҳоламоқдалар. Масалан, қурилиш материаллари комбинатидаги бетон заводининг машинисти, кекса ишчи А. Менелехис шундай деди:

— Партия ва ҳукуматимиз керакли, жуда зарур бўлган қарорлар қабул қилди. Етар энди, ишлаб чиқаришда ялпи маҳсулотнинг ўсишронлиги! Энди унинг даври ўтди. Бу вақтгача ялпи маҳсулот кетидан қувиб, жуда кўп нарсани қўлдан бой бердик. Масалан, ўз комбинатимизда полигонда қурувчилар учун ҳеч бир кераксиз ва яроқсиз бўлган темирбетон буюмлар уюлиб ётибди. Улар бир неча йилдан бери ишлатилмайди. Ахир, ана шу конструкцияларни ишлаб чиқаришга ҳам меҳнат ва материал сарф қилинган, пул тўланган-ку. Энди бу ҳол тақрорланмайди. Ҳозир коллектив комбинат маҳсулоти қурилишга узлуксиз етишидан ҳар томонлама манфаатдор. Маҳсулотнинг омборларга йиғилиб қолиши унинг ҳам зарари. Шунинг учун ҳам биз қурувчиларга фақат юқори сифатли конструкциялар етказиб бериш ниятидамиз.

Сентябрь Пленуми қарорлари Фарғона саноат корхоналари коммунистларининг ижодий активлигини янада оширибюборди. Корхоналарнинг коллективлари съезд олди вахтасида туриб маҳсулот сифатини яхшилаш ва унинг таннархини пасайтириш юзасидан мусобақа бошлаб юбордилар. Фарғона область партия комитети, шаҳар ва район партия комитетлари ҳамда бошланғич партия ташкилотлари Пленум қарорларини ҳаётга татбиқ этиш учун омманинг сиёсий активлигини оширишга жуда катта эътибор бермоқдалар.

И. ЯКОВЛЕВ,

Фарғона область партия комитети ташкилий ишлар бўлимининг мудири.

ЗАМИН

(ХАТЛАРГА ОБЗОР)

Илғор хўжаликларда айни вақтда дала ишлари конвейер усулида ташкил этилиб, келгуси йил мўл ҳосилига пухта замин яратилмоқда. Ана шу ҳақда редакциямиз қишлоқ мухбирларидан жуда кўп хат-хабарлар олиб турибди.

Андижонлик мухбирларимиздан Т. Холиқов, Э. Деҳқонов, М. Отахонов, В. Маҳмудов, М. Шамсиддинов, Э. Нуъмонов ва М. Жарқинбоев ўртоқларнинг ёзишларига қараганда, Бўз районидаги Жданов номли, Москва районидаги «Коммунизм», «Қизил Ўзбекистон», Киров номли колхозларда, Задарёдаги «Гулбог» совхози ҳамда Навоий номли колхозда, Наманган районидаги Киров номли колхозда ҳосил сўнгги граммигача тез суръатлар билан йиғиштириб олинмоқда, шу билан бирга, далалар ғўзапоядан пешма-пеш тозаланаётир.

— Бухоро районидаги Навоий номли колхозининг коммунист Исмоил Саноқулов бошлиқ бригадасида, — деб ёзади Н. Охунжонов, — дала ишлари конвейер усулида олиб бориляпти. Бригада аъзоларининг бир қисми пахта теришга банд бўлса, бир қисми ғўзапоя юлиш, маҳаллий ўғит жамғариш билан шуғулланмоқда. Бу ерда келгуси йил мўл ҳосилига пухта замин ҳозирланяпти.

Шунингдек, Қоракўл районидаги «Ленин йўли», Коғон районидаги Калинин номли колхозларда ҳам бутун куч ва воситалар кузги-қишки тадбирларни яхши амалга оширишга сафарбар этилган. Буни Қ. Умаров, О. Аҳадов, О. Эргашев ва А. Йўлдошев ўртоқлар ёзиб юборишган.

Қишлоқ мухбирларидан Э. Қирқбоев ва И. Турсунов ўртоқлар Бекобод районидаги «Чаноқ» совхозида, Бўка районидаги «Ленин йўли» колхозида даладаги ҳосилни тезроқ саранжом-сариштаб олиш учун социалистик мусобақа ҳар қачонгидан ҳам авж олдирилганлигини қониқиш билан қайд қиладилар.

Самарқанд областидан хабар юборган М. Хитоев бундай деб ёзади.

— Иштихон районидаги «Халқобод» колхозининг Ҳамид Худойбердиев бошлиқ бригадаси йиллик планни 150 процент бажарди. Ҳали далада пахта анча бор. Бригада аъзолари уни қисқа муддатда йиғиштириб олиш ва кузги агротехника тадбирларини ижчиллик билан амалга оширишга аҳд қилишган. А. Муртазоев, Р. Худойбердиев, Х. Абдураҳимов ўртоқлар юборган хатларда ҳам дала ишларининг бориши ҳикоя қилинади.

Я. Собиров (Шовот), Р. Ҳайитбоев (Янгиариқ), Қ. Иброҳимов (Ғурлан), М. Бобожонов (Косон), М. Қодиров (Шаҳрисабз), Б. Жабборов (Қамаши), Р. Абдураҳмонов, П. Кенжаев (Шўрчи), О. Тоқимбетов (Чимбой), Б. Яҳёев (Сирдарё), А. Музаффаров (пенсионер), С. Умаралиев (Гулистон райони) ўртоқлар юборган хабарларда пахта учун кураш қизғин тус олган дақиқаларда ҳамма бу ишга бир тан бир жон бўлиб қатнашганлиги гапирилади.

Шу билан бирга, айрим хўжаликларда ҳосилнинг қолган қисмини мумкин қадар тезроқ йиғиштириб олиш ва келгуси йил катта хирмонга тараддуд кўриш мақсадга мувофиқ уюштирилмаганлиги тўғрисида ҳам хабарлар келиб турибди. Масалан, Сурхондарё область, Термиз районидаги Куйбишев номли колхозда даладаги ҳосилни жадал териб олишга етарли эътибор берилмаётир. Ромитан районидаги Киров номли, Охунбобоев районидаги Киров номли колхозларда ҳам кузги дала ишлари қониқарли уюштирилган деб бўлмайди. Бу ҳақда Т. Убаев, Қ. Назиров, М. Содиқов, С. Қодиров ўртоқлар ёзиб юборишган.

Етиштирилган мўл ҳосилнинг сўнгги граммларигача йиғиштириб давлатга топшириш ишлари ниҳоясига етай деб қолди. Шу кунлардаги асосий вазифа — ҳосилдан бўшаган майдонларда ғўзапоя юлишни ташкил этиш, кўплаб маҳаллий ўғит жамғариш, шудгорлашни бошлаб юбориш ва унинг сифатига алоҳида эътибор бериш, бунинг учун эса техникадан оқилона фойдаланишдан иборат бўлмоғи керак.

Республикамиз «оқ олтин» соҳиблари КПСС XXIII съезди шарафига социалистик мусобақани тағин ҳам кучайтириб, кузги-қишки тадбирларни бекамкўст ўтказиш мақсадида бутун куч ва воситалардан самарали фойдаланадилар. Бу — келгуси йил мўл ҳосилига пухта замин яратишда ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлади.

ФАН ВА ТЕХНИКА ЯНГИЛИКЛАРИ

«МУЗХОНАСИ» ЎЗИ БИЛАН

МОСКВА. Ҳозирги металл ишловчи станокларнинг электр шпинделлари минутига юз минг мартагача тезликда айланади. «Космик» тезликда айланадиган бундай механизмларни совутиб турадиган ишончли мослама бўлиши керак.

Шундай шпинделларни ясаётган Москвадаги электр насослари заводида металл қирқувчи станоклар эксперимент илмий-тадқиқот институтининг конструкторлари билан жуда яқин ҳамкорликда шпинделни ҳаво ёрдами билан совутиб турадиган оригинал мослама яратилди. Механизм корпусининг ичига ўрнатилган кичкинагина вентилятор станокнинг ишловчи қисмига совуқ ҳавони ҳайдаб беради. Вентилятор таъсири кам бўлган совутиш воситаси — эмульсияли суюқликка нисбатан мустаҳкамроқ бўлиб, ускунанинг узоқ вақт мобайнида юқори тезликда ишлашини таъминлайди.

Ойна янада шаффоф бўлмоқда

МИНСК. Ёруғлик техникасида ишлатиладиган опал шиша буюмларни ҳамма билади. Оқиш-кўкимтир абажурлар, кўча ва уй чироқларининг шодаларини ва бошқа кўп нарсалар шулар жумласидандир. Ленин бундай шишани ишлаб чиқариш кўп қийинчиликларга боғлиқ эканлигини камдан-кам одам билади. Чунки бунда рух оксидидан фойдаланилади.

Белоруссия Фанлар академияси умумий ва анорганик химия институтининг бир группа илмий ходимлари рух оксиди ўрнига унчалик камёб бўлмаган материалларни ишлатиш йўлини топдилар. Ёруғлик техникасида ишлатиладиган шиша тайёрлашнинг янги рецептураси унинг сифатини анча яхшилади, — нурни яхши ўтказадиган ва яхши таратадиган қилди. (ТАСС).

ДЕПУТАТ ВА ҲАЁТ

МУЛОҲАЗАЛАР

Андижон районидаги Ёрбоши қишлоғи обод, кўркам, озода. Ана шу қишлоқ Советида қизиқ луқмаларни эшитишга тўғри келди. Раис Собиржон Усмонов билан суҳбатлашдик.

— Қишлоқ Советларининг ролини янада ошириш учун қандай тадбир-чораларни кўриш лозим, деб ўйлайсиз?, — деб сўрадик раисдан.

— Эътироз ва таклифларимиз кўп, — деб гап бошлади раис, — маҳаллий органларнинг ҳуқуқларини янада кенгайтириш керак. **Ҳозирги кунда колхозларни қурилиш материаллари билан таъминлаш, уй-жой бинои қуришга рухсат бериш каби ишларни район ижрокомлари бажаради. Бу ҳуқуқларни қишлоқ Советига ўтказиш мақсадга мувофиқдир.** Чунки, район ижроия комитетига қараганда қишлоқ Совети колхоз ҳаётига яқин туради.

Қишлоғимизда кўп болали оналар, пенсионерлар бор. Улар пул олиш учун 25-30 километр йўл босиб район соцнал таъминот бўлимига боришади, навбат кутишади. Сабаб, бу ерга бошқа қишлоқлардан ҳам болали оналар, пенсионерлар келишади. Бу ҳуқуқ қишлоқ Советига ўтказилса, меҳнаткашларга қулайлик туғилади.

Қишлоқ Советининг раислик қилаётган сессияларида кўрилган масалаларни ҳал этишда ҳам қишлоқ Советларига кўп нарса боғлиқ. Масалан, Фарғона тўқимачилик комбинати коллективи дағал газламалар ишлаб чиқаришда станоклар унумдорлигини 7 процент кўтариш мумкин. Бу ҳам Пленум қарорлари муҳокамаси давриде излаб топилган резервлардан биридир. Фарғона уйсозлик комбинати коммунистлари ва мутахассислари Москва илмий-тадқиқот институти ходимлари билан биргаликда олдиндан бетон қоришмасини 80-90 градус температурагача қиздириб олиб, уни совутмасдан қуйиш технологиясини ишлаб чиқаришга жорий этиш тадбирларини ишлаб чиқдилар. Бу бир сўмлик маҳсулот ишлаб чиқаришга кетадиган харажатларни кескин камайтиради. Шу билан бирга, комбинатнинг маҳсулот ишлаб чиқариш қувватини оширади, яъни комбинат ҳозиргидан йилига 30 минг квадрат метр кўп уй-жой қуриш имконини берадиган **қишлоқ Советларига ўтказиш зарур бўлади...**

Собир Усмоновнинг мулоҳазаларни эътиборга сазовордир. Биз бу масалага аниқлик киритиш ниятида бошқа қишлоқ Советлари ва район ижроия комитетларининг раислари билан учрашдик. Избоскан районидаги Избоскан қишлоқ Советида бўлдик. Қишлоқ Советининг раиси Салоҳиддин Сайфиддиновга Собир Усмоновнинг истакларини бирма-бир ҳикоя қилиб бердик.

— Бу, ҳал қилиниши лозим бўлган муҳим масалалар. Яна такрорлайман, бу қишлоққа етган, пишиб қолган масалалар! — дейди Салоҳиддин Сайфиддинов.

Район ижрокомларининг колхозларнинг умумий мажлисларини қарорларини тасдиқлаш, участка милициясига раҳбарлик қилиш, якка тартибда уй-жой қурувчиларга ссуда бериш ҳуқуқларини ҳам қишлоқ Советларига ўтказган маъқул.

Яна бир масала. Район, қишлоқ ва посёлка Советлари молия бюджетини ошириб бажариш ҳисобига кўплаб маблағ оладилар. Лекин улар бу маблағларни сарфлаш ҳуқуқига эга эмас. Агар қишлоқ Советларига шундай ҳуқуқ берилса, бу маблағни маҳаллий Советлар мактаблар, медицина пунктлари қуриш ва ремонт қилишга, қишлоқ, посёлка ҳамда мактаблар учун асбоблар сотиб олишга сарфлаши мумкин.

Избоскан қишлоқ Советида тўртта медицина пункти, тугруқхона бор. Бу тугруқхона ва пункт ходимларига иш ҳақини қишлоқ Совети тўлайди. Аммо раҳбарлик қилиш ҳуқуқи район соғлиқни сақлаш бўлимида. Ходимларга иш ҳақи беришни ҳам, раҳбарлик қилишни ҳам бир ташкилот ихтиёрига ўтказиш фойдалидир.

— Яхши ишни қўллаб-қувватламай бўладими, — дейди Москва район Совети ижроия комитетининг раиси Жўравой Бадалов. — эндиликда қишлоқ Советларининг роли ортиб борянти, депутатларнинг ташаббускорлиги кенг қулоч ёймоқда. Агар маҳаллий органларнинг ҳуқуқлари янада кенгайтирилса, улар ҳозиргидан ҳам яхшироқ ишлайдилар.

Қишлоқ Советлари сессияда кирим ва чиқим бюджетини муҳокама қиладилар, тасдиқлайдилар. Бироқ улар ўзлари тасдиқлаган бюджетлардаги маблағни мустақил сарфлаш ҳуқуқидан маҳрум. Бу шуни кўрсатадики, қишлоқ Советлари бюджетни расмият учунгина тасдиқлайдилар. Хўш, бундан нима фойда? Менингча район ижрокомлари бу ҳуқуқни қишлоқ Советларига ўтказишлари лозим.

Биз Андижон область ижроия комитетининг раиси ўртоқ Пўлат Қаюмовга мурожаат қилиб, ана шу таклиф-мулоҳазалар тўғрисида ўз фикрларини айтишини илтимос қилдик:

— Бу масалалар жамоатчилик муҳокамасига қўйилиши, юқори ташкилотлар эътиборига ҳавола қилиниши зарур. Негаки, қишлоқларнинг иқтисодий ва маданий ҳаётидан келиб чиққан, ғоят муҳим масалалардир.

КПСС Марказий Комитетининг март ва сентябрь Пленумларидан кейин маҳаллий Советлар ишлаб чиқариш экономикаси ва маданий-маиший қурилиш масалалари билан чуқурроқ шуғулланадиган бўлиб қолдилар. Шу муносабат билан ҳаёт уларнинг ҳуқуқ ва бурчларини кенгайтиришни тақозо қиляпти.

Областимиз территориясида республика министрликлари қарамоғидаги 108 та саноат корхонаси бор. Бу корхоналар йилига 250 миллион сўмлик ялпи маҳсулот ишлаб чиқарадилар. Маҳаллий Советлар ихтиёридаги корхоналар эса атиги 5 миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқаради. Бу, барча корхоналарда ишлаб чиқарилган ялпи маҳсулотнинг 2 процентини ташкил қилади. Буни нормал ҳол деб бўладими?

Капитал қурилиши соҳасида ҳам маҳаллий Советларнинг ҳуқуқлари чегаралаб қўйилган. Планга мувофиқ 92 миллион сўмлик қурилиш ишлари бажариладиган бўлса, шундан фақат 8 миллион сўмлиги маҳаллий Советлар йўли билан қурилади. Бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин.

Шундай экан, маҳаллий Советларнинг ҳуқуқларини кенгайтириш, область ижроия комитети қошида саноат ва капитал қурилиши билан шуғулланувчи 8-10 кишидан иборат группа тузилиши керак.

Планлаштиришда шундай тартиб ўрнатиш лозимки, область территориясидаги саноат корхоналари ва қурилиш ташкилотлари план лойиҳаларини ўша группа ёрдамида область ижроия комитети билан бамаслаҳат, бўйсунувчи ташкилотларга юборишса ёмон бўлмас эди.

Маҳаллий Советлар ролининг юқори даражага кўтарилиши коммунизм қурилиши программасининг тезроқ амалга оширилишида муҳим аҳамиятга эгадир.

А. ҚУРОНБОЕВ,

«Совет Ўзбекистони» мухбири.

КПСС XXIII СЪЕЗДИ ШАРАФИГА



Қўқондаги Охунбобоев номли тикув фирмаси коллективи етти йиллик планни муваффақиятли бажарди. Планга қўшимча равишда қарийб ярим миллион дона эркаклар кўйлаги ишлаб чиқарилди. Нажиба Рамазонова бошлиқ коммунистик меҳнат бригадаси КПСС XXIII съезди шарафига бошланган социалистик мусобақага қўшилиб, ишлаб чиқаришда энг яхши натижаларга эришаётир. Суратда: чеварлардан Т. Сайдаметова, И. Мелибоева, Н. Маҳмудова, бригадир Н. Рамазонова ва Г. Йўлдошева ўртоқлар.

Г. Бойко фотоси (ЎзТАГ фотохроникаси).

ТАШАББУС ИЗИДАН

Тошкент шаҳар меҳнаткашлари КПСС XXIII съездини меҳнатда ажойиб ютуқлар билан кутиб олиш юзасидан янги ватанпарварлик ташаббусини бошлаб бердилар. Бу ҳаракат республикамиз бўйлаб кенг ёйилмоқда. Бизнинг Оржоникидзе районимиз территориясида ҳам кўпгина корхона ва ташкилотлар бор. Ана шу корхоналарнинг меҳнаткашлари ҳам тошкентликлар ташаббуси изидан бориб, ишлаб чиқаришда қувончли натижаларга эришмоқдалар.

Район ГЭСлари каскадининг энергетиклари машина-ускуналар қувватидан самарали фойдаланиш, резервларни ишга солиш йўли билан энергия ҳосил қилиш бўйича етти йиллик планни муддатидан илгари бажардилар. Улар съезд шарафига меҳнат вахтасида туриб, планга қўшимча равишда йил охиригача қирқ миллион киловатт-соат электр энергияси ишлаб чиқаришга аҳд қилдилар.

«Ўзбекгаз» бошқармасининг иккинчи трести ҳам бизнинг районимиз территориясида. Трест коллективи уй-жойларни газлаштириш бўйича йиллик планни ҳозирнинг ўзидаёқ 128,3 процент, хонадонларга табиий газ етказиб бериш топшириғини 108,2 процент бажариб қўйди. 4491 минг ўринга 4864 минг сўм қўшимча фойда олинди. Райондаги аҳолига маиший хизмат кўрсатиш комбинатининг меҳнаткашлари ҳам етти йилликнинг якунловчи йилини муваффақиятли тугалламоқдалар. Маҳсулот ишлаб чиқариш бўйича йиллик план ўн ойдаёқ адо этилди. Йил охиригача комбинатчилар яна 80 минг сўмлик маҳсулот ишлаб чиқариш учун мусобақани авж олдириб юбордилар.

Райондаги бошқа саноат, қурилиш, транспорт корхоналарида ҳам Тошкент шаҳар меҳнаткашларининг издошлари тобора кўпайиб бормоқда. Ҳар бир коллективда КПСС XXIII съезди шарафига оширилган мажбуриятлар олинди. Бу мажбуриятлар шараф билан бажарилмоқда.

М. ТУРСУНОВА,

Тошкент область Оржоникидзе райони.

УНУТИЛМАС КУН

Езнинг жазирама иссиқ кунларидан бирида завод кадрлар бўлимига ўрта бўйли, қотмадан келган ўспирин йигит кириб келди. Салом-аликдан сўнг у қўлидаги йўлланмани бошлиққа узатди.

— Жуда соз, қайси ўқув юртини тамомлагансиз? — йўлланмани кўздан кечириб чиққан бошлиқ сўради.

— Темир йўлчилар техникумини, — деди йигит дилномини кўрсатиб.

Дипломни кўздан кечирар экан, бошлиқнинг юзига табассум югурди. Чунки Абдунаби Комилов техникумни аъло баҳолар билан тамомлагандардан бири эди.

— Қани гапиринг, қайси вазифада ишлашни истайсиз?

— Касбим слесарь. Аммо тажрибам йўқ. Қайси ишни лозим кўрсангиз, ишлайвераман.

Сочлари оқарган, ўз ҳаётининг кўп қисмини шу корхонада ўтказган А. Галафиев бир оз сукут қилгач: «Сизни тепловоз цехига, кекса ишчи коммунист Александр Евгеньевич Пулявин раҳбар бўлган участкага юборамиз. У жуда яхши одам, бирга ишласангиз кам бўлмайсиз», — деди.

— Сизга маъқул бўлса, мен нима дер эдим. Мақсадим, ҳунар ўрганиш.

Орадан кўп ўтмай Абдунаби Комилов цех партия бюросига ариза топширди.

Цех коммунистларининг умумий йиғилиши Абдунаби Комиловнинг ҳаётида унутилмас кун бўлиб қолди. Чунки у ана шу кундан бошлаб Ленин партияси сафига кирди.

Ҳозир Абдунаби Комилов коммунист деган юксак номни оқлаш учун ғайрат билан ишламоқда, марксизм-ленинизм идеялари билан пухта қуроллаиш мақсадида ўз савиясини оширмоқда.

Ж. МАҲМУДОВ,

Тошкентдаги «Октябрь революцияси» заводи.

ЮКСАК САВИЯДА

ПАРТИЯ ЎҚУВИ МАШҒУЛОТЛАРИ

◆ ◆

Ишлаб чиқаришни ўстириш, миллий даромадларни кўпайтириш, бу соҳада мавжуд имконият ва резервлардан унумли фойдаланиш ҳақида кенг тўхталди. Уларни фабрика ҳаётидан олинган жонли мисоллар билан тингловчиларга ҳикоя қилиб берди.

Машғулот қатнашчилари ўтказилган тема юзасидан пропагандистга кўп, қизиқарли саволлар беришди. Жавоблар ва суҳбатлар орқали Пленумда кўтарилган ва ҳал қилинган энг муҳим масалалар ҳақида кенг тушунча орттиришди.

Пропагандист Б. Қўқонбоев кўп савол, жавоблардан кейин биринчи машғулотни якунлади. Бошланғич сиёсий мактабнинг 16 тингловчисига қўшимча қандай ҳужжатлардан ва адабиётлардан фойдаланиш кераклигини айтди.

Самарқанддаги 26 Боку комиссари номли шойи тўқиш фабрикаси директорининг ўринбосари ўртоқ Б. Қўқонбоев кўп йиллардан бери партия ўқуви шохобчаларида пропагандистлик қилади. У пропагандистларнинг республика ва область семинарларида бир неча марта қатнашган, тўқимачилик мутахассиси. Барат Қўқонбоевич бу соҳада анча тажриба орттирган. У ўзининг пропагандистлик маҳоратини ошириш устида тинмай ишлайди. Унинг шахсий кутубхонаси бор. Бир неча хил марказий ва республика газета, журналларига обуна бўлган. Халқаро воқеаларни яхши ўрганиб боради. Шунинг учун ҳам у машғулотларни юксак ғоявий савияда ўтказади. Ҳамма тингловчилар биринчи машғулотга тўла иштирок этди.

— Мен ўтган ўқув йилида машғулотларни мана шу ўз комбинатимда ўтказган эдим, деди ўртоқ Б. Қўқонбоев, — бу йил ҳам шу жойни белгиладик.

Комбинатда пропагандист ва тингловчиларга оид кўргазмали қуроллар, фабрика ва саноат маҳсулотлари ишлаб чиқаришга доир диаграммалар бор. СССРнинг катта иқтисодий сиёсий картаси деворга осиб қўйилган. Машғулот ўтказиш вақтида пропагандист ҳам, тингловчилар ҳам мана шулардан фойдаланадилар.

Фабрика партия комитети навбатдаги машғулотларни юксак савияда ўтказиш, коммунистлар ва партиясиз активларнинг сиёсий-назарий билимларини ошириш учун катта ғамхўрлик қилмоқда. Партия ўқуви шохобчаларида пропагандистлик қилаётган 16 кишининг ҳаммаси деярли олий маълумотли, малакали мутахассислар ҳисобланади. Улар бошқа топшириқлардан озод қилиб қўйилган. Машғулотларни ўтказиш учун яхши жиҳозланган бинолар ажратилган. Мустақил ўқувчилар учун ҳам шароит яратилган. Партия комитети қошидаги бешта бошланғич сиёсий мактаб ва 9 та марксизм-ленинизм асосларини ўрганиш мактабларида биринчи машғулотлар ана шундай мароқли ўтди.

Л. ЭРГАШЕВ,

«Совет Ўзбекистони» мухбири.

Адабиёт ва санъат

ПАХТА ВА ШЕЪР

Шеър ўнимоқ учун бордик Ғузорга,
Далада қайнарди терим палласи.
Раис
Афсус билан боқди бизларга,
«Афсус...» деп чайқаб қўйди
калласин.
«Шеърхонликнинг вақти эмас,
Ўртоқлар,
Ҳар зум,
Ҳар дақиқа ҳозир ғанимат».
Жим қолдик,
Қизарди ҳатто қулоқлар,
Ўртада ҳайкалдек қотди сукунат.
Тўсатдан
Йиртилди жимлик пардаси,
Бир қиз чопиб келди
пайкалдан ўтиб:
— Қани, ҳей шоирлар,
Қани, қайдасиз,
Далада сизларни турибмиз
кутиб,
Минг тонначи қизнинг
сўзига раис
Қарши туролмайди,
Лаб тишлаб қолди.
Кема капитанин яхшими
нойиш,
Шоирларни бошлаб
Ўзи йўл солди.

Оппоқ пахтазорнинг қоқ ўртасида
Шеър ва қўшиқ янграр,
Тинглар деҳқонлар.
Завқ олдик,
Завқ бердик,
Бердик нашида,
Сўнг юксалди
Хирмон узра хирмонлар.
Теримчилар учун қанот эган шеър
Меҳнатдан олинса вазни—хижоси.
Юракларга зумда
Сололдикки нўр,
Омухта бўлди шеър,
Меҳнат сафоси.

Раис бува кулди, деди: минг
таҳсин,
Роса бопладингиз шеърни,
Офарин!
Тошкентга борганда айтинглар,
тагин
Кўпайтирсинлар
Шоирларнинг чўлга сафарини».
Юсуф ШОМАНСУР.

Мунча ҳам гўзалсан жонажон ўлкам,
Яшил водийларинг нафосатга бой.
Ўйноқи сойлару тик тогларинг ҳам,
Баҳш этар хуснингга минг жилва,
чирой.



ЯНГИ ШЕЪРЛАР

ОЛИМА

Асрлар гувоҳи қўлёзма ичра
Ўтмиш ҳодисалар сирли, бепоён.
Шалдироқ ва саргиш қоғозлар
узра
Кезар нигоҳларинг, қадалган
мужгон.
Олима! Хаёлчан, қўлда қаламинг
Жим, сокит хонада ўйларинг
чексиз.
Қўлёзма таърифи, ташвиш, алами
Миянгдан бирма-бир ўтар,
шубҳасиз.
Шеърият бобида фикру
зикримгни
Эшиб ипаклардай, этиб жамъул-
жам,
Қуёшни шимирган ноёб
фикрингни
Мушт каби уйдинг-у қилдинг
мустаҳкам.
Қўлёзма бетида мунгли
хотира —
Ўтган асрларнинг ғам-андуҳ,
дарди.
Севги, ғам, ҳижронда куйган
Нодира
Ундан боқди маъюс, заъфарон-
зарди.
Ўтмиш саҳифасин, момолар
дардин
Қалбдан ўқий олган, эй ўткир
зеҳн!
Қайтадан намоён қилолдинг
бугун
Зулматда чақнаган ёруг нур
эҳрин.
Қалбинг ҳароратн кезган
нўзингда
Ҳаётга интилиш, чексиз
муҳаббат.
Билим-фан юлдузи қўнган
изингда
Инсоний хулқ-одоб, меҳру
садоқат.
Хуштаб, истеъдодли, эй тоза
ниҳол,
Юксалдинг фазога қуёш
кифтида.
Бу қуёш — Октябрь, топтирди
камол
Инсон мурувватин юрак
тагида.
Хушбўй баҳористон — юртим
кўксида
Юксал фан нури-ла қалб
маҳбубаси!
Юлдузлар чаманин сулув
кўркида
Қанот ёзаверсин фан
мўъжизаси!

ҚАЛБИМГА ҚЎНГАН ҚУЁШ

Қош устига қўйган бўркинг
Ярашибдур, қора қош!
Қизил гулдай яшнар кўркинг
Қалбимга қўнган қуёш!
Тоза ниҳол бўю бастинг
Шу чаманда битибдур.
Табассумнинг, муҳаббатинг
Кўнглимда жой тутибдур.
Турмакланган ғоят нафис
Икки ўрим қора соч.
Нега қалбда уйғотар ҳис,
Ҳаяжон ёзар қулоч.
Жазирама офтоб сифат
Нигоҳингдан бир қиё,
Шунчаларни одоб, иффат,
Тарофат, хулқу ҳаё?
Киприкларинг асирман,
Хаёлларим беқиёс.
Қўшиқларинг таъсиридан
Бўлолмайман ҳеч халос.
Пешанангга қўйган бўркинг
Ярашибдур, қора қош.
Қалбга яқин, жонон кўркинг
Яширмагил, бағри тош.

Холид РАСУЛ

«ПАХТА БАЙРАМИ»ГА

Республикамизда катта шодиёна — пахта байрамига қизғин тайёргарлик кўрилмоқда. Ана шу тантанали кунларда халқ шодлигига шодлик, файз ва кўрк бахш этиш мақсадида республика санъат аҳли-барча театр ва концерт ташкилотлари, халқ театрлари, маданият уйи ва саройларининг бадиий ҳаваскорлик коллективлари янги байрам программалари тузишиб, бўлажак концертларга шайланмоқдалар.

Ўзбекистон халқ артисти Комилжон Отаниёзов бошчилигидаги Хоразм ашула ва рақс ансамбли Андижон области, Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артистлар Муҳаммаджон Мирзаев, Фахриддин Умаров, Пўлатжон Раҳимов, Ж. Бекжонов бошчилигидаги эстрада концерт бригадалари Қашқадарё, Сурхондарё, Хоразм, Фарғона областлари пахтакорларининг меҳмони бўладилар.

Шунингдек, Муқимий номидаги музикали драма ва комедия театри артистлари, санъат усталари Самарқанд, Сирдарё ва Бухоро область дала меҳнаткашларига маданий хизмат кўрсатишади.

Н. ИНОҚОВ,
«Совет Ўзбекистони»нинг штатсиз мухбири.

ШОДЛИК ҚЎШИҒИ

Пахта илми — боболар
Қолдирган зўр меросдир,
Ифтихору ғурурим,
Ўзбеклигимга хосдир.
Еримиз ҳам сувимиз
Касбимизга хўп мосдир,
Олтин, момиқ пахтамиз
Жавоҳирга қиёсдир,
Ҳурматимнинг бонси,
Сенга қўйган, ихлосдир!
Бугун юртда зўр қувонч,
Шерик бўлсам ҳаққим бор,
Зангори кемага ҳам
Қизил байроқ таққим бор,
Ялла, қўшиқ куйларда
Дарё бўлиб оққим бор,
Мангуликка қаримас,
Меҳнат қилар чоғим бор,
Зафарларга бошловчи
Партиямдек тоғим бор.
Бугун ўзбек элидан
Қўшиқ учар, соз учар,
Келинчаклар юзидан
Ишва тўла ноз учар,
Сахий қуёш нуридан
Олтин кузда ёз учар,
Дастурхонни безай деб,
Боғ устидан гоз учар,
Ҳар кунига минг эсафар
Боз устига боз учар.

Маннон ҒАНИ.

□ □

МОСКВА ЮЛДУЗЛАРИ

(ШЕЪРИЙ ЛАВҲА).

Ҳар ернинг тарихи, йилномаси бор,
Ҳудди айлангандай қиш, куз, ёз, баҳор.
Қуёшли элимнинг шаҳар, қишлоғи,
Жўшқин дарё лаби, қайнар булоғи,
Мевазор боғлари, олтин тупроғи,
Мафтун қила олган барча элларни,
Завқ-шавққа тўлдирган ўтли дилларни
Ҳикоя қилайлик Шарҳихон ерин,
Меҳнатда тобланган ҳар марду шерин.
Бу ер Андижоннинг пахта коними,
Дўстлар даврасининг шараф-шонидир.
Москва райони аталур ҳозир,
Элин садоқати Ватанга манзур.
Одамлари чақкон, меҳнаткаш, доим,
Яхши давраларда танти, мулойим,
Дўстларнинг кўзлари, дилларн қувнар,
«Оппоқ олтин»ндан эллари қувнар.
Меҳнатга машина қанотдир мудом,
Меҳнат-ла шарафга бурканди одам.
Механик-ҳайдовчи Уткиржон шоввоз
Бу йилги теримда бўлди у пешвоз.
Аҳмаджон, Асомбой, танти Муқимжон,
Терим палласида дадил ҳам чақкон,
Қаҳрамон Қумрихон мардона ўзи,
Тиниб-тинчимайди, далада изи.
Раис Мадаминжон сертадбир жуда,
Шунинг-чун колхозда ишлар авжида,
Инсоннинг меҳнати яратган бу ер,
Дўстлар — жаннатнамо гўзал чаман дер.
Султон, Низомиддин, Илҳом, Исахон,
Меҳнатдан обрўли, дилкаш, қадрдон.
Уларнинг ҳар бирн бир юлдуз мисол,
Шарҳихон кўнгга бағишлар жамол.
Шеър тинглашади колхозчи дилдар,
Мазмунга тўлади серзавқ кўнгиллар.
Мунаррама келар «Баҳор»и билан,
Чаман булбуллари, оҳори билан.
Бу ер бир шеърият, бир азим саҳна,
Ёшлик тўйларида кенг базм саҳна.
Москва райони яшнайди яна,
Пахта майдонида довруғ, тантана.

Юсуфжон ҲАМДАМ
Андижон область, Москва райони.

«ЎЗБЕКФИЛЬМ» СТУДИЯСИНИНГ 40 ИИЛЛИГИ ОЛДИДАН

БАРКАМОЛ САНЪАТ ЎЧОҒИ

Ўзбек кинематографияси ўзининг гўдаклик—овозсиз фильмлар давридан бутун дунёга таниладиган бадиий мукаммал, мураккаб ва жиддий асарлар яратаётган ҳозирги давригача қирқ йиллик камолат йўлини босиб ўтди.

Ҳозир Иттифоқ экранларида намойиш қилинаётган «Осиё устида бўрон», «Улуғбек юлдузи» фильмлари томошабинлар томонидан зўр ҳаяжон билан кутиб олинаётганлиги бу камолотнинг далилидир. Республикамиз томошабинлари танишишга улурган «Ойдин саҳифа» фильми (сценарий авторлари С. Азимов ва Н. Рожков, режиссёр И. Аъзамов) Иттифоқимиз экранларига чиқарилиши мўлжалланган фильмларнинг декабрь ойи репертуарида марказий ўринни эгаллаб турибди. Республикамизнинг қирқ йиллик ҳаёти ва курашини қамраб олган бу кино қисса асосида бир-бирига ашаддий душман бўлган икки киши: пўлат иродали ленинчи-коммунист Комил Рустамов ҳамда собиқ бой, босмачи, кейинроқ эса гестапо майори Мардонбеклар тақдири ётади.

Улуғ Октябрнинг 48 йиллик байрами арафасида эндигина тамомланган икки янги фильм жамоатчилик кўригидан ўтказилди. Улардан биринчиси талантли режиссёр Зоҳид Собитов бошчилигидаги ижодий группа яратган «Фидойи» фильмидир.

Фильмдаги бош ролларни Ўзбекистон халқ артисти Зикир Муҳаммаджонов (Мақсуд), ёш актёрлардан Тўғон Режаматов (Мулла Назир), Света Норбоева (Замира)лар ижро этади. Шунингдек, асосий ролларда сиз СССР халқ артистлари Олим Хўжаев (шайх Аббос), Наби Раҳимов (батрак Акбарали), Ўзбекистон халқ артисти Ғанн Аъзамов (Камолиддин) ҳамда ЎзССРда хизмат кўрсатган артист Ҳамза Умаров, «Мосфильм» студиясининг актёри Гурген Тонунц каби таниқли театр ва кино актёрларини кўрасиз.

«Фидойи» «Ўзбекфильм» студиясининг 40 йиллик юбилейи кунларида намойиш қилинади.

Мазкур фильмдаги батрак Акбарали образини гавдалантирган севимли актёр Наби Раҳимов билан суҳбатда биз унинг кино соҳасидаги ижодий режалари билан қизиқдик. Наби ака бу образни яратиш билан бир вақтда яна икки фильмда иштирок этиб, бошқа образлар ҳам яратмоқда. Томошабинлар уни студиямиз яратаётган «Наташахоним» фильмидаги Қодирқул Эшон ва «Киргизфильм» яратаётган «Жанубнинг қизча» фильмида колхозчи образларида кўрадилар.

Ёзувчи Иброҳим Раҳим ва Ш. Аббосов сценарийси асосида яратилган «Қуёш қалбингда» фильми студия бу йил тугаллаган иккинчи асардир. Режиссёр Шуҳрат Аббосов бошчилик қилган бу фильм қонли урушнинг даҳшатли фожиалари иродасини бука олмаган ажойиб совет кишилари ҳақида ҳикоя қилади. Фильмда артистлардан Мулляк, М. Оғамирзаев, Н. Латипов, Света Норбоева, Сайрам Исаева ва бошқалар иштирок этган. Уни операторлардан Т. Эфтимовский ва М. Пенсонлар суратга олишган.

Шу йилнинг охиригача «Виждон амри билан» ҳамда «Наташахоним» деб номланган яна икки фильм томошабинларга совға қилинади.

«Наташахоним» гражданлар уруши қизғин давом этаётган оғир кураш йилларида ўзбек давлат драма театрининг вужудга келиши ҳамда унинг душманларга қарши олиб борган ўзига хос кураши, бу ижодий коллективнинг граждонлик жасорати ҳақидаги романтик фильмдир. Ўз томошабинларн Ҳамза номидаги Ленин орденли академик драма театри асосчиларининг ижодий фаолияти, кураш тўла ҳаёти билан яқиндан таништиради.

Яқинда Шарқ адабиётининг йирик намояндаси Мирзо Бедилнинг «Комде ва Мудан» достони асосида яратилажак «Икки дил достони» фильми ишлаб чиқаришга топширилди. Фильм сценарийсини Виталий Виткович, Шароф Рашидов ва Комил Ёрматовлар ёзганлар. Бу фильм соф, ҳақиқий муҳаббатни улуғлаш билан бирга икки халқ — ўзбек ва ҳинд халқлари ўртасидаги қадимий дўстлик ҳамда улар маданиятининг бир-бирига таъсири ҳақида ҳикоя қилади.

Студия 1966 йилда бундан ташқари «Лайлак келди—ёз бўлди», «Ошиқ-маъшуқлар», «У шунақа одам», «Ҳар бир булут ортида офтоб», «Марварид ва Қуёш» фильмларини чиқаришни планлаштирган.

Студияда янги ташкил қилинган мультипликацион фильмлар цехи ўзининг дастлабки маҳсулоти — «6х6 квадратда» фильмидан сўнг «Сирли сандиқ» фильмини яратиш устида ишламоқда. Келгуси йилнинг январь ойидан бошлаб уч ойда бир, кейинроқ эса, ҳар ойда «Ништар» сатирик киножурнали чиқарила бошлайди.

Баркамол санъат ўчоғи — «Ўзбекфильм» студияси ходимлари ўз мухлисларини доимо хурсанд қиладиган асарлар яратиш иштиёқида баракали хизмат қилмоқдалар.

С. САИДВАЛИЕВ.

КЎЧМА ВИСТАВКА ҲАРАКАТДА

Георгий Чиганов ва Анатолий Циглинцев! Бу икки ном санъат мухлислари орасида аллақачон ўзига яраша эътибор қозонган. Ҳар иккиси ҳам истиқболи порлоқ, талантли ёш график—рассомлардир.

Мана бир йилдирки, бу икки мўйқалам соҳибининг ўн йиллик ижод гулбоғидан саралаб тайёрланган кўчма виставка ҳаракатда. Виставкада графика, китоб иллюстрациялари, расмлар намойиш қилинмоқда. Бу асарлар рассомларнинг Братск, Иркутск, Қрим, Урал, Бошқирдистон, Қозоғистон ва албатта Ўзбекистон шаҳарлари бўйлаб қилган саёҳатлари натижасида рўёбга чиққан.

Виставка 140 дан ортиқ асардан иборат бўлиб, ҳозиргача республикамизнинг кўплаб шаҳарларида намойиш қилинди. Рангли металлурсия шаҳри — Олмалиқда, кўмирчилар шаҳри — Ангренда, цементчилар шаҳри — Оҳангаронда, Бекобод ва Янгиерда истиқомат қилувчи неча минглаб санъат шинавандалари уч ой давомида бу икки рассом асарларини зўр қизиқиш билан томоша қилдилар. Шу ўтган давр ичида турли касбдаги томошабинлар истаклар китобига 300 дан ортиқ таклиф ва мулоҳазаларини ёзиб қолдиришди.



Виставка асарлари орасида айниқса ёзувчи М. Шевердиннинг «Саҳро кўланкалари» китобига ишланган расмлар ажралиб туради. Уларда қора ўтмиш азобини чеккан, озодлик ва нурли ҳаёт учун кураш олиб борган, шу эзгу мақсад учун ҳатто энг оғир дамларда ҳам курашни давом эттиришга чидам ва матонат топа олган инсонлар гавдалантирилган. Шубҳасиз, бу иллюстрациялар асар мазмунини бойитган, ўқувчи роман ғоясини тез тушуниб олишида катта роль ўйнайди.

Шунингдек, Ленин мукофоти лауреатлари, шоирлар — Р. Гамзатовнинг «Юксак юлдузлар», Э. Межелайтиснинг «Инсон» шеърий китобларига ишланган иллюстрациялар ҳам киши диққатини тортади.

Кўпгина асарлар совет халқининг яратувчилик меҳнатига бағишланган. Чиганов ва Циглинцевларнинг шу асарларида ишчилар, қурувчилар, химия, қишлоқ хўжалик ходимларининг шарафли меҳнати, кураши, матонати куйланади. «Братская ГЭС», «Чимкўрғон сув омбори», «Оқшом садоси» ва бошқа асарлар шулар жумласидандир.

Шу кунларда А. Циглинцев ва Г. Чиганов асарларида ташкил топган кўчма виставка Тошкент шаҳар мактабларида намойиш қилинмоқда.

Бу икки ёш талантли график-рассомларга янада ижодий камолат тилаймиз.

А. ТАЛАЛАЕВА,
санъатшунос.

КОМПОЗИТОРЛАР БИЛАН УЧРАШУВ

Чирчиқ шаҳрининг кимёгарлар саройида Бутуниттифоқ бўйича биринчи мукофотга сазовор бўлган маданият университетининг 1965—1966 ўқув йили машғулотлари бошланди. Биринчи машғулот республиканинг таниқли композиторлари ижодига бағишланди. Учрашувга Композиторлар союзининг секретари, композитор Ғофур Қодиров, композиторлардан—Матниёз Юсупов, Абдурайим Муҳаммедов, Яҳё Шарофиддинов, Ефим Шварц ва Ен Дин Паклар келишди. Улар ўз ижодий режалари билан ўртоқлашдилар.

Ўзбек халқ музикасининг жаҳон аҳамияти ҳақида Тошкент Давлат консерваториясининг доценти А. Я. Коральский суҳбат ўтказди. Суҳбатдан сўнг Радио ва телевидение давлат комитети қошидаги хор коллективи учрашувга келган композиторларнинг асарларидан концерт берди.

Университет тингловчилари учрашувдан ниҳоятда мамнун бўлдилар.

Ҳ. МУҲАММАДАЛИЕВ.

НУРОНИЙ БУВА

ҲИКОЯ

Сумбула кириб, ҳавога куз нуқси уриб қолган кунларнинг бирида колхоз оралаб юрган мухбир йигит пиджагини елкасига ташлаб, қовун полизга келди. Бу пайт пушталарга уюб қўйилган қовунларни четга, тарозибон олдига ташиб чиқишар, полиз ўртасида саралаб қовун узиб юрган чол йигитларга нималарнидир буюрар эди. Қовунларни қопларга солиб, бир-бирларига орқалатаётган йигитлар ҳазиллашишар эди:

— Ҳа, думалаб жўна Бўрикалла!

— Амирига ўхшаб белингни ушлаб туришингни қара, қўтарсанг-чи!

— Ҳожи бувам келяпти... Қоч!..

Ҳожи бува булар томон кела бошлаганда ҳалиги йигитлар қопларга ярим-ярим қилиб солган қовунларни орқалашиб, палаклар орасидаги сўқмоқлардан жадал юриб кетишди. Ҳожи бува уларнинг кетидан қичқириб қолди:

— Секинроқ, заҳа ейди! — кейин кўлини пешанасига соябон қилиб мухбир йигитга қаради. — Қай боласан, ҳой!

— Ассалому алайкум, — деди мухбир йигит чолнинг истиқболига юриб. — Меҳмонман, бува.

— Не, келинг болам, келинг, — деди Ҳожи бува. — Мен сизни анави ишёқмаслардан бирими деб ўйлабман. Кўрмайсизми, буларга гап бўлса, ўйин бўлса...

«Бечоралар югуриб-елиб қовун ташияпитлар-у, шундан ҳам норози бу чол», — деб ўйлади мухбир йигит.

Салом-аликдан сўнг Ҳожи бува бу йигитнинг оддий меҳмон эмаслигини, бир-икки оғиз гап билан иши битмаслигини билди.

— Меҳмон, бирпас сабр қиласизда, энди. Ишни тугатиб, йигитларга жавоб бериб юборэй, кейин отамлашаверамиз.

— Ҳожи бува кўксига қўлини қўйиб узр сўраган бўлди. Негадир мухбирнинг сурнайпоча шимига қараб жилмайди.

У кетди. Мухбир Ҳожибуванинг орқасидан қараб қолди: чол ҳали бардам, олтмишларда бўлсаминан? Йилларнинг роҳатлари билан ташвишлари ажин ташлаб ўтган, қорамагиз юзида қандайдир илиқлик, талабчанлик... ёшлардай башанг кийинган, бошида офтоб тафти билан оҳори кетиб қолган чуст дўппи, эгнида оқ яхтак, асли жигарранг-у, тўпиги билан болдирларини палак ялаб кўкартирган енгил, ихчам бризент этик...

Йигит полиз оралаб кетди. Ариқ ичидан биққидек семиз бир типратикон йўрғалаб чиқиб, «Сен бу ерда нима қилиб юрибсан?» деган каби мунчоқ кўзчаларини йилтиратиб бир зум қараб турди-да, яна ялпиз палаклар ичига шўнгиди. Палакларга қараб туриб мухбир йигит ҳайрон бўлди: одатда бу пайтда палаклар сарғайиб, полизга хазонрезилик нуқси уриб қолар эди. Қаранг, баъзи сув қийиладиган чиқадиган дўнг жойлардаги палакларни демасе, пастки, канал бўйидаги, қулоқ бошидаги палакларнинг ҳали ҳам авжи баланд: кўм-кўк, осмонга сапчиб турибди. Ҳали ҳам гули, найчаси бор. Энгашиб, палакларни титиб қарасанг сапча, хамакламлар қийғос.. Тўрга кирганлари билан ранг олганлари палак орасидан ёриб чиқиб, мана мен деб қўкрагини муштлаб ётибди. Нариги пайкал тарвуз полизи экан. Ҳар тарвуллар-ки, йўлбарсдай тарғил, Қўқон арава гупчагидай чўзинчоқ қўзивойлар уфққа ёнбошлаб бораётган қуёш нурларида пешаналари ярқ-ярқ қилади...

Қуёш ботиб, салқин тушди. Полизнинг тароватли, ҳандалак, босволди бўйини уфурган файзли оқшоми бошланди. Мухбир йигит салқиндан эти жунжикди шекилли, канал бўйидан аста пастга тушиб, чайла томонга юрди. Бу пайт полизда шовқин-сурон тиниб, Ҳожи бува қовун ташувчи йигитларга рухсат бериб юборган, пайкалда фақат уч-тўртта чол билан шофер йигитларгина қолган эди. Меҳмон чайла ёнига келиб қўйган кастюмини олиб киядётганда, Ҳожи бува келиб қолди:

— Қалай, томоша қилдингизми, ўглим?

— Раҳмат.

— Ҳа, салқинладингизми? — деди бува кулиб. — Кечаси бундан ҳам салқин бўлади. Ҳўш, мана энди қулоқим сизда, ўглим. Жадалламасак мана пахта теримн ҳам бошламиб қолди, эрта-индин мошин танқис бўлиб қолади.

— Гаплашадиган гап ҳам йўқ... Ўзим шундай полиз оқшомини кўрай деб келувдим. — У қалам-дафтарини олиб чолни чўчитиб қўймасликка, иложи борича жўн гаплашишга, гап тизгинини кўпроқ чолнинг ўзига қўйиб беришга ҳаракат қилар эди. — Гап чиқиб қолса кейин сўрарман ота.

— Шундоқ денг. Умдоқ бўлса... — деди Ҳожи бува соқолини тутамлаб— бугун полизда қоласиз. Мана бу кийимларингиз бўлмайди, ўглим. Ечиниб, чайлада неварамди пуфайкасиминан шими бор, кийиб олинг.

— Ўзи-чи?

— Тошкентда, ўкишда.

— Майли, шуям...

— Пўк-йўк, кийиб олинг, ўглим.

Улар овкатланишиб, қовунхўрлик қилишиб, полиз ўртасидаги супага келганларида вақт хуфтон эди. Чолнинг супа деган фақат бир кишилик экан. Жой тайёр: нақ супанинг ёнгинасида букма каравот қўйилибди.

— Бу жой сизники, — деди чол мухбир йигитга буклама каравотни кўрсатиб. — Мана бу кўрпани ҳам ёпинг. Тонгга яқин салқинроқ бўлади.

Улар ечиниб жой-жойларига ёнбошлашди. Йигитнинг бутун хаёли оқшом гўзаллигида, полиз гашти-ю, табиат сеҳрида эди. Чол буни сезди шекилли, анча вақт ўтгач, сўради:

— Қалай?

— Гўзал, — деди юлдузларни томоша қилиб ётган мухбир. У аслида гапни нимадан бошлашни билмай ётган эди. Шу баҳона бўлиб сўради:

— Қачондан бери қовун экасиз, ота?

— Пенсияга чиққанимдан бери.

— Пенсияга қачон чиққансиз?

— Тўртинчи йил. Ишлаб ўрганиб қолганимиз, ўглим. Қараб туролмадик. Уч-тўртта чол маслаҳатни бир жойга қўйиб раисга арз қилдик. Қовун экамиз, дедик. Раис аввалига, нима қиласиз ўзингизни уринтириб Парпи бува, невараларингизди даврида юринг ялло қилиб, деди. Кўнмадик. Мана, кўриб турибсиз, бешта чол беш гектар ерди айлантириб ётибмиз.

— Парпи бува деганингиз ким?

— Мен-да.

— Сиз Ҳожи бува эмасмисиз?

— Бу номди анави чоллар қўйишган ҳазил қилиб. Аввалги йили денг қовунларимиз бир битиб берди. Донги нақ Москвага етди. Раис боламиз пишиқда, бир арава қовунди саралаб ўшаққа, кўргазмага жўнатибди. Кўргазмадагиларга маъқул бўлиб қолибди, шекилли, қовун экканди ўзи келсин дейишибди. Раис кўярда-қўймай бир қанча одамлар билан оборди Москвага мени ҳам. Мен сизга айтиб берсам, қовунларимизга берган шаҳодатномани ўз кўзим билан колхозимизга олиб келдим. Шу-шу ҳажга бориб келган Ҳожи бува аталдим-кетдим. Аммо, бу йил ҳам қовунимиз чакки эмас. Москвага икки мошин қовун саралаб жўнатдик.

— Не, концертни ўтказиб юборибмиз-ку, — чол ёстиғи тагидан кичкина «Селга» радиоприёмнигини олиб мурватини буради. Концерт ниҳоясига етай деб қолган эди.

— Неварамди совғаси. Олтин тўйимизда қилган. — Чолнинг овозида ғурур оҳанги бор эди.

— Набирангиз қаерда ишлайди?

— Ҳали Тошкентда ўқишда демадимми Мактабни битириб, бир-икки йил ёнимда ишлади. Кейин ўқишга кетди. Бугун сентябрди ўнимми? Ўн иккн кун бўлди кетганига. Кеча қовун ортган мошинада тушиб кўриб чиқдим.

— Ўн кун ўтмасдан-а?

— Э, кампири тушмагур қўймайди-да, бўлмаса тушармидим шаҳарга.

— Нима, шаҳар ёмонми?

— Шаҳар яхши!.. Бозорди кўриб кафа бўлиб кетасан-да.

— Нега?

— Полизди оралаб чиқдингиз-а?

— Ҳа.

— Хўш, нима сезднигиз?

— Ҳеч нарса.

— Қовунларни ўз қўлимиз билан экканмиз-ку, бозорди кўриб бир нуқсонимиз очилиб қолди, ўглим. Фамлаган бўлсангиз, қовунларимиз хили асосан ҳандалаг-у, тўрлама қизил уруғ минан ананас. Ҳудонинг қудрати бозорда ҳам манашу қовунлар... Ўзбекистон қовун макони, буни биласизми? Шундоқ бўлгандан кейин Амири, Чўғири, Обинаввот, Гулоби, Кўкча ундан сўнг Бузоқбоши, Бегизот, Бўрикалла, хўш деганингизда Қўйбоши. Инчиқизил, тилими тилди ёрадиган Шакарпалак... Эҳ-ҳе, юз хил қовунларимиз бор-а, ўглим.

— Уч юз хил деб ёзишади олимлар.

— Балли, ана ўша қовунларди кўпчилиги йўқ-да.

— Нега?

— Нега бўларди, бозорда тарози босарини ўйлаймиз-да ўглим. Сирти ялтироқ бўлишини ўйлаймиз. Ичи минан ишимиз бўлмайди! Энди экаман, шу гал тушганимда тўртта-бешта қовун олиб чиқдим уруғликка.

Ҳандалак бўйини аста уфириб ўтган дайди шабада палаклар оромини бузди. Чол «Селга»нинг товушини бир баҳя кўтарди. Оромбахш «Ўзи ироқ» полизнинг сеҳрли оқшомига яна ҳам файз киритди. Қаердадир йиллчи қуши «от йўқ, от йўқ» деб чўзиб-чўзиб сайрар, осмондаги юлдузлар эса имлаб, имнндирр дегандай бўларди. Супа ёнидан бир нима шитирлаб ўтди. Мухбир йигит чўчиб, ўрнидан сакраб турди.

— Ҳе, текинхўр кирпу-ку. Қовунди сарасини излаб юрибди, — деди чол кулиб. — Етавернг ўглим, мен суздан хабар олай...

Атроф тунининг сирли либосига бурканган. Аиҳор томондан қурбақаларнинг аҳён-аҳён қуриллаши, қишлоқдан итларнинг хуриши эшитилади. Мухбир йигит анча маҳалгача ухлай олмади, у ойдин кечада пайкалда бўлиб, тун гаштини сурмоқчи эди, аммо Ҳожи бува, унинг тиниб-тинчимаслиги ўйлантириб қўйди уни. Гапни нимадан бошласам экан, деб ўйларди йигит, унинг катта, саховатли қалбини тасвирлай олармиканман... Одамларга озгина бўлса ҳам нафим тегсин деб, мана, қишлоқдан чўлга чиқибди, шаҳардан белининг қатига уруғ тугиб келибди, мана у, тунда ҳам уйқусини тарк этиб, сув тутяпти...

Носир ФОЗИЛОВ.

Турли мамлакатларда

ИККИНЧИ МАРТА РАД ҚИЛИНДИ

ПАРИЖ, 19 ноябрь. (ТАСС). Мамлакатнинг 1966 йилги давлат бюджети тўғрисида ҳукумат таклиф қилган қонун лойиҳасини Франция сенати бугун кечаси 96 овозга қарши, 156 овоз билан иккинчи марта рад қилди. Энди қонун лойиҳаси учинчи марта ўқиш учун миллат мажлисига қайтарилади. Бу қонун лойиҳасининг узил-кесил тақдири миллат мажлисида овозга қўйиш натижасида ҳал бўлади.

ЎЗБОШИМЧАЛИККА ҚАРШИ

ВАРШАВА. Польша матбуот агентлиги оқ танли мустамлакачилар Жанубий Родезияни «мустақил» деб эълон қилганлиги муносабати билан баёнот чиқарди. Польша матбуот агентлиги шуни айтишга вакил қилинганки. Польша Халқ Республикаси ҳукумати бундай мустақилликни танимайди ва сохта маъмурларни шу мамлакатнинг ҳукумати деб таний олмайди.

КАМПАЛА. Уганда Бош Министри Милтон Оботе матбуот конференциясида гапириб, Англия ҳукумати Жанубий Родезияда қатъий чоралар кўрмоқчи эмаслиги ҳозир мутлақо равшан бўлиб қолди, деб айтди. У Англия ҳукуматидан Смитнинг ирқчи режимига нисбатан куч ишлатишни талаб қилди.

Англиянинг Жанубий Родезияга нисбатан кўраётган иқтисодий чоралари бирон самара беришига жиддий шубҳа билдириб, Оботе Африка мамлакатларини ўзлари конкрет чоралар кўришга даъват қилди.

НУАКШОТ. Тунис президентининг Мавританияга қилган давлат визити тугаганидан сўнг Тунис президенти Ҳабиб Бурғиба билан Мавритания президенти Моктар Ульд Дадда эълон қилган қўшма баёнотда Африка бирлиги ташкилотини ва Бирлашган Миллатлар Ташкилотини қўллаб-қувватлаётганликларини айтдилар ҳамда «Жанубий Родезиядаги хатарли вазият муносабати билан жиддий ташвишланаётганликларини» изҳор қилдилар. Жанубий Родезия ўзбошимчалик билан мустақил деб эълон қилинганлиги, дейилади ахборотда, тинчликка жиддий хавф ва мамлакатдаги африкалик аҳолининг ҳуқуқларини қўпол равишда бузишдир.

АФРИКА БИРЛИГИ ТАШКИЛОТИ МИНИСТРЛАРИНИНГ КЕНГАШИНИ ЧАҚИРИШ УЧУН

КОТОНУ, 19 ноябрь. (ТАСС). Африкадаги яна бир мамлакат — Дагомея Смитнинг ирқчи ҳукумати ўзбошимчалик билан мустақиллик эълон қилганидан кейин Жанубий Родезияда вужудга келган аҳволни ўрганиш учун Африка бирлиги ташкилоти министрлари кенгашининг фавқулодда сессиясини чақиришни талаб қилди. Бу қарорни кеча Дагомея ҳукумати қабул қилди, дейилади расмий ахборотда.

ХЕСУС ФАРИА ОЗОД ҚИЛИНСИН

КАРАКАС, 19 ноябрь. (ТАСС). Венесуэла социал-христиан партиясининг миллий секретари депутат Родольфо Хосе Карденас Венесуэла Коммунистик партиясининг бош секретари Хесус Фариани қамоқдан бўшатишни талаб қилиб, республика президенти Леонига мурожаат қилди. Карденас Хесус Фариа оғир бетоблиги сабабли даволаниш учун унинг чет мамлакатга чиқиб кетишига имконият беришни талаб қилди.

ВАТАНПАРВАРЛАР НОРОЗИЛИГИ

НЬЮ-ЙОРК, 19 ноябрь. (ТАСС). Конституциячиларни қувватлаётган доминиканалик ватанпарварларнинг уч вакили Бразилияга келди. Биз, деди Доминикана Республикасининг Америка давлатлари ташкилотидаги собиқ вакили Эдуардо Санчес Кабраль, чет эл қуролли кучларининг бизнинг мамлакатимизда турганлигига қарши Америка давлатлари ташкилоти аъзоси бўлган мамлакатлар ташқи ишлар министрларининг конференциясида норозилик билдириш учун бу ерга келдик. Биз Доминикана Республикасидаги демократик кучларнинг вакилимиз. Полковник Кааманьо, деди у, мана шундай кучлардан бирининг раҳбаридир.



Чехословакия. Суратда: Жанубий Моравиядаги янги тикувчилик комбинати. Бу комбинат Европадаги энг йирик корхоналардан биридир. ЧТК — ТАСС фотоси.

ХАБАРЛАР, ВОҚЕАЛАР

ОЛИЙ ДАРАЖАДАГИ АБЛАҲ

31 октябрда Монтгомери шаҳри (АҚШнинг Алабама штати) стадионида спорт билан ҳеч қандай алоқаси бўлмаган жанжал бўлиб ўтди: бир неча безори куппа-кундузи штат прокурори Ричмонд Флауэрсга ташланиб, уни калтакладилар. Илгари газеталар ёзганидек, шу йил 25 мартда Алабамада негрларнинг граждан ҳуқуқлари учун курашчиларнинг «озодлик марши» вақтида беш боланинг онаси Виола Лиузо деган аёл ўлдирилган эди. Уни ирқчи Колли Уилкинс деган киши ўлдирган. Яқинда Хейнвилл шаҳрида ана шу қотил устидан бўлган судда прокурор Ричмонд Флауэрс айбномани қўллаб-қувватлади. Худди шу сабабли безори ирқчилар прокурорни калтакладилар.

Қотилнинг иши икки марта кўрилди. Биринчи марта бу иш баҳорда кўрилди. Уилкинснинг жиноятчи эканлигини рад қилиб бўлмайдиган далиллар исботлаб турса ҳам, қотил бўшатиб юборилди. Иккинчи марта бўлиб ўтган судда ҳам қотилни бўшатиб юбордилар. Чунки суд қилувчилар орасида ирқчилар бор эди. Улар «оқ ирқнинг устунлиги»га ишонишларини айтиб, негрларнинг граждан ҳуқуқлари учун курашда иштирок этаётган оқ танлилар «қуйи даражадаги кишилардир» дедилар.

Стадионда бўлган воқеага қараганда, эндиликда прокурор Ричмонд Флауэрс ҳам «қуйи даражадаги» кишилар қаторига тушиб қолганга ўхшайди. Ҳар ҳолда ирқчилар ана шундай деб ҳисобламоқдалар.

Алабама штатида қотил Уилкинс каби «юқори даражадаги» аблаҳлар бедодлик қилаётган эканлар, бу штатда ҳар қандай воқеа бўлиши мумкин.

«ҚЎҒИРЧОҚ ОПЕРАЦИЯСИ»

Бу операция энг янги америкача назарияларга мувофиқ пухта ишлаб чиқилди. Белгиланган вақтда бир неча юз америка солдати ва полициячи душманнинг таянч пунктларига ҳужумга ўтди. Душман саросимага тушиб, шиша кўзини ғолибларга тикиб бақрайиб қолаверди. Бу гал америка солдат ва полициячилари Вьетнамда чиқарилган қўғирчоқларга ҳужум қилдилар. Америка армияси ва полиция октябрь ойининг охирида Қўшма Штатларнинг барча территориясида қўғирчоққа қарши операция бошлади...

Бундан олдин «Нью-Йорк жорнел-Америкэн» ва «Нью-Йорк пост» газеталарида гўё Қўшма Штатларда Вьетнам қўғирчоқлари ичига яшириб қўйилган кўплаб мина топилганлиги ҳақида хабар босилди. Бу газеталар «маккор партизанлар» Жанубий Вьетнамдаги Америка солдатларига ичига портловчи модда солинган қўғирчоқларни ташлаб кетадилар, содда солдатлар эса бу қўғирчоқларни ўз ватанига юборадилар, деб ишонтиришга уринди. Ана шу хабардан сўнг, қўғирчоқларни топиш учун махсус полиция отряди ажратилди. Жоржиа штатидаги Колумбус шаҳрида мина қидирувчи мослама билан қуролланган сапёрлар болалардан 50 та қўғирчоқни тортиб олдилар. Яна 75 та қўғирчоқ қидирилмоқда. Ассошиэйтед пресс агентлигининг хабар беришича. Пенсильвания, Шимолий Каролина, Виржиния, Теннесси, Огайо. Вашингтон ва бошқа штатларда юзлаб «хавфли қўғирчоқ» қўлга туширилган.

Ҳозир федерал текшириш бюроси ана шу ишни текшираётган бўлса керак. Қўғирчоқлар ичидан ҳеч қандай мина топилмаган бўлса ҳам, фитнанинг асосий элементлари равшан: қамоққа олинганлар терговчиларнинг саволларига қайсарлик қилиб жавоб бермаяпти. Бу эса уларнинг жиноий ниятларидан далолат беради.

СОВҒАЛАР ҚАЙТАРИЛСИН!

Людвиг Эрхарднинг янги ҳукумати жиддий молиявий қийинчиликка дуч келди. ГФР молия министрлиги келгуси молия йили учун бюджетни тўғрилай олмаяпти. Бюджетнинг харажатлар қисми 78 миллиард марка белгилаб қўйилди. Бу ҳозирги бюджетнинг харажат қисмидан 20 процент кўпдир. Ҳолбуки, даромад қисмини 8.5 процент кўпайтириш кўзда тутилмоқда. Натижада дефицит 7 миллиард маркани ташкил этади.

Бюджет лойиҳасидаги бу тешик Эрхард партияси сайлов кампанияси вақтида берган ваъдалар натижасида юз берди. Ҳукмрон партия бу ваъдаларнинг бир қисмини қонуний тарзда расмийлаштириб қўйди. Масалан, оналикни ҳимоя қилиш тўғрисида қонун қабул қилди. Шунингдек бундестаг 1966 йил 1 январдан бошлаб чиновниклар маошини 4 процент, 1 апрелдан бошлаб яна 4 процент ошириш тўғрисида қарор қабул қилди. Тегишли министрликлар ўз бюджет заявкаларида ана шуларни ҳисобга олганлар.

Эндиликда Боннда дефицитни қандай қоплаш тўғрисида бош қотирмоқдалар. Ҳукмрон партия бундестагнинг 11 депутатдан иборат «тежам комиссияси» тузган эди. Комиссиянинг қўлидан ҳеч нарса келмади.

«Франкфуртер рундшау» газетаси шу муносабат билан қуйидагиларни ёзди: «Сайлов арафасида қабул қилинган ва катта чиқим билан боғлиқ бўлган баъзи қонунларни бекор қилишга тўғри келади. Амалда бу—сайлов олди совғалари қайтиб олинади, деган маънони билдиради».

Совғалар қайтариб олинса гўрга эди. Тўрт министрдан иборат янги, иккинчи комиссия ҳозир чиновникларнинг маошини 1 январдан бошлаб оширмасликни, кўп болали оналаларга, пенсияга, студентлар учун стипендияга ажратмаларни камайтиришни, нацист тузуми қурбонларига нафақа бериш тўғрисидаги қонунни номаълум вақтгача кечиктиришни, уй-жой қурилишига кетадиган харажатларни уч баравар камайтиришни талаб қилмоқда...

(«НОВОЕ ВРЕМЯ»ДАН).

Бош Ассамблеянинг ялпи мажлиси

НЬЮ-ЙОРК, 19 ноябрь. (ТАСС). Кеча Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Бош Ассамблеяси ўзининг ялпи мажлисида халқаро атом энергияси агентлигининг докладини маълумот учун қабул қилди.

Ассамблея учинчи комитетнинг инсон ҳуқуқларини ва асосий эркинликларни ҳурматлашни тезроқ таъминлашга ёрдам берувчи чоралар масаласи юзасидан қабул қилган резолюциясини ҳам тасдиқлади. Ассамблея барча ҳукуматларни инсон ҳуқуқларини тағин ҳам кўпроқ ҳурматлаш учун алоҳида куч ва ғайрат сарфлашга чақирди, асосий эркинликларни амалга оширишга ва инсон ҳуқуқларига риоя қилишга қаратилган тадбирларни ўзларининг миллий ривожланиш планларига киритишни барча ҳукуматларга таклиф қилди.

Номзодларнинг расмий рўйхати тасдиқланди

ПАРИЖ, 19 ноябрь. (ТАСС). Конституция кенгашининг раиси Г. Палевский республика президенти лавозимига кўрсатилган номзодларнинг расмий рўйхатини кенгаш тасдиқлаганлигини маълум қилди. Кенгаш бу рўйхатга олти номзодни, яъни М. Барбю, Ш. де Голль, Ж. Леканюэ, П. Марсиласи, Ф. Миттеран, Ж. Л. Тиксье-Виньянкурларни киритди.

ШУНАҚАСИ ҲАМ БЎЛАДИ

ФУТБОЛ МАЙДОНИДА ГРАНАТА

Брентфордда футбол бўйича навбатдаги мамлакат чемпионати матчида томошабинлардан бири ўйиндан норози бўлиб футбол майдонига граната ташлади. Граната маҳаллий команда дарвозабони Чика Броднинг ёнгинасига тушди. Ўйинчилар тарқалиб кетишди. Граната портламади. Зарб берувчи механизми олиб ташланган эди. Агар граната футболчи бошига текканда у тил тортмай ўлган бўларди.

Бу фавқулодда ҳодисами? «Пипл» газетаси Брентфорддаги бу ҳодисани тасодиф эмас, балки характерли воқеа деб таъкидламоқда. Кейинги пайтларда Англия стадионларида томошабинларнинг тўполон-жанжаллари шунчалик кучайиб кетдики бу фақат Англия футбол лигасинигина эмас, балки, Скотлэнд Ярдни ҳам ташвишга соляпти. Лига секретари Деннис Фоллоу матбуот вакили билан бўлган интервьюда бу воқеани «Англия футболининг энг қора куни» деб атади.

Лига мажлисида ишқибозларнинг бундай номаъқулчиликларини, тўполонларини қандай қилиб тўхтатиш ҳақидаги масала роппа-роса 48 соат муҳокама қилинди.

Футбол лигасининг топшириғига биноан Деннис Фоллоу Англия ҳукуматига мактуб юборди. Мактубда стадионда тўполон қилган кишиларни қонун йўли билан қаттиқ жазолаш сўралади.

— Турли муддатларга қамоқ жазоси ва катта пул штрафларни қўллаш натижасидагина безориларни тартибга чақириш мумкин, — деб якунлайди мақоласини Петер Лоренцо. «Жаҳон чемпионати бошланишига тўққиз ой вақт қолди. Бу вақтгача биз ажойиб традициялари бўлган футбол мамлакати деган номни тиклашимиз керак».

ЖАҲОН ЧЕМПИОНИ ЎЛЯПТИ

Яқинда Канада газеталари ана шундай сарлавҳа билан мақолалар ёритишди. Бу мақолалар таниқли профессионал автопойгачи, жаҳон чемпиони Жон Сартиснинг фалокатига бағишланган эди.

Канаданинг Копсот деган жойида «Канада катта мукофоти» учун пойга ўтказилди. Ғолибни катта пул мукофоти кутарди. Сартисга хўжайини тренировка олдидан «Агар сен мукофотни олмоқчи бўлсанг, бир неча километр масофани жуда катта тезликда босиб ўтишинг керак», деди. Жон Сартис унинг айтганини қилди. Соатига 250 километр тезликда кетаётганида аввал машинанинг ўқи чиқиб кетди, сўнгра ғилдирак ҳам ажралиб қолди. Автомобиль чирпирак бўлиб айланди-да, сўнгра тўнтарилди. Пойгачини ёнаётган машина тагидан тортиб олишганда у ҳушидан кетган эди. Уни госпиталга олиб келишди. Врачлар унинг ҳаётини сақлаб қолиш учун бор чораларни ишга солиб кўришди. Аммо касалхона бош врачи шундай деди: «Сартис шунчалик шикастланган ва куйганки, биз уни сақлаб қолишга ожизлик қиламиз, жаҳон чемпиони ўляпти».

ИШҚИБОЗ

Кунлардан бир кун Бразилиянинг «ФК Борхуэла» футбол клубининг кассири ўйинчиларнинг маошини олиб, дом-дараксиз йўқолиб қолди. Орадан анча вақт ўтгач, команда маъмурияти кассирдан хат олди. Кассир ўз хатида: «Мен сизлар ўйлагандек муттаҳам эмасман, клуб футболчилари яхши ўйнаб ишқибозларни хурсанд этган тақдирдагина қайтиб бораман ва пулларингизни ҳаммасини қайтариб бераман»,— деб ёзган эди.

ВДР ҲУКУМАТИНИНГ БАЁНОТИ

ХАНОЙ, 19 ноябрь. (ТАСС). Вьетнам Демократик Республикасининг ҳукумати Япония-Жанубий Корея шартномаси деб аталмиш шартнома хусусида кеча баёнот эълон қилди. Вьетнам информация агентлиги тарқатган бу баёнотда айтиладики, ана шу шартнома агрессив ҳарбий шартнома бўлиб, Япония, Корея ва бутун Осиё халқларига қарши қаратилгандир. Шу шартнома ёрдами билан, дейилади баёнотда, Қўшма Штатлар империализми Япон империализмини ўзининг зарбдор бригадасига айлантириб олишни ҳамда шарқи-шимолий Осиёда агрессив ҳарбий блок тузишни умид қилмоқда.

ИШСИЗЛИК КЎПАЙМОҚДА

ЛОНДОН, 19 ноябрь. (ТАСС). Меҳнат министрлиги эълон қилган маълумотларга қараганда, бир ой ичида Англиядаги, (шу жумладан Шимолий Ирландиядаги) ишсизлар сони тўрт минг кишидан зиёдроқ кўпайган ва ноябрь ойида 348.867 кишига етган.

Мантиққа ва фактларга хилоф равишда

ВАШИНГТОН, 19 ноябрь. (ТАСС). Кеча АҚШ Коммунистик партиясининг ҳимоячиси Жозеф Форер АҚШ Компартияси устига ҳукумат томонидан қўйилган 23 моддали айбларнинг ҳаммасини бекор қилиб, Компартияни оқлаш ва ишни кўриб чиқиш учун жюрига топширмай, шу билан судни тўхтатиш тўғрисида Колумбия округининг федерал судига таклиф киритди. Америка қонунларига кўра суд текшириши қораловчилар томонидан кўрсатилган важларнинг асоссизлигини исботлаган бўлса, судья шундай қарор қабул қилишга ҳақлидир.

Қораловчи томон «гувоҳ»га чақирган шахслар федерал текшириш бюросининг пул олиб ишлайдиган агентлари эканлигига ва шу сабабли уларнинг Маккарэн қонуни талабларига мувофиқ, юстиция министрлигида рўйхатдан ўтишга тайёрмиз, деб судда айтган гаплари эътиборга олиниши мумкин эмаслигига ҳимоячи судьяларнинг эътиборини жалб қилди. Қораловчи томонидан кўрсатилган «гувоҳлар»нинг биттаси ҳам ҳақиқатда партиянинг аъзоси бўлмаганлиги ва улар ўзларини партия аъзоси деб кўрсатишга ҳақли эмасликлари ишни судда эшитиш давомида шак-шубҳасиз исботланди.

АҚШ Компартияси ўзини рўйхатдан ўтказсин, деган талабни конституцияга хилоф талаб деб ҳисоблаётганлиги сабабли рўйхатдан ўтмаяжаклигини ошкора равишда эълон қилди, деди Форер. АҚШ Компартияси кўпорувчилик фаолиятини контроль қилувчи бошқарма томонидан Маккарэн қонунига мувофиқ, партия олдига қўйилган талаблар тўғрисида ўзининг ҳамма аъзоларини хабардор қилди ва уларга рўйхатдан ўтиш процедурасини тушунтириб берди. Лекин партия аъзоларининг биронтаси ҳам рўйхатдан ўтишга рози бўлмади ва ҳукумат партия аъзоларидан рўйхатдан ўтмоқчи бўлган лоақал бирон кишини чақириши мумкинлигини исбот қилолмади.

Компартиядан «кўпорувчи ташкилот» сифатида рўйхатдан ўтишни талаб қилмоқдалар, деди Форер. Лекин Компартия ҳеч қачон рўйхатдан ўтмаслигини, чунки бу гап ёлғон ва нотўғри эканлигини айтмоқда. Ҳозир Компартияни ўз-ўзига туҳмат қилишдан бош тортганлиги учун таъқиб қилмоқдалар.

Бироқ, ҳимоячининг Компартияни оқлаш тўғрисида далиллар билан ва мантиқий асосда исботлаб ёзиб берган таклифини судья эътиборга олмади. Судья ўйлаб-нетиб турмай бу таклифни рад қилди. Энди бу иш кўриб чиқиш учун жюрига топширилади.

ЧЕКИСТЛАР ЖУРНАЛИСТЛАР МЕҲМОНИ

Шанба оқшомида Бирлашган нашриётнинг мажлислар залида совет чекистлари билан Ўзбекистон матбуот ходимларининг учрашуви бўлди. Республикамиз кинотеатрларида бораётган довюрак чекистлар фаолиятига бағишланган кинофильмлар фестивали муносабати билан ўтказилган бу кеча йиғилганларда катта қизиқиш уйғотди. Полковник М. Н. Насимов ҳамда подполковник П. М. Рефтев ўртоқлар бу кечага меҳмон бўлиб келдилар. Полковник М. Н. Насимов кеча қатнашчиларига улуғ юртимизнинг ички ва ташқи душманларига қарши ҳушёр туриб кўринмас жанг олиб бораётган чекистларимизнинг фаолияти ҳақида гапириб берди. «Совет Ўзбекистони» газета редакцияси ташаббуси билан ўтказилган бу кечада республикамизда чиқадиган газета ва журналларнинг, босмахоналарнинг ходимлари қатнашдилар.

«ПАХТАКОР» СТАДИОНИ ҚАНДАЙ БЎЛСИН?

Республикамизда физкультура ва спорт ишлари тобора равнақ топяпти. Бу оммавий ҳаракат минглаб спорт ишқибозларини жалб қилаётир. Ўлкамиздаги спорт мусобақаларининг асосий форумлари Тошкентдаги «Пахтакор» марказий стадионида ўтказилаётир. Стадионда иттифоқ ва халқаро учрашувлар ҳам бўлиб туради. Ишқибозлар сони кўпайиб, кейинги вақтда стадион торлик қилиб қолди. Шу муносабат билан марказий «Пахтакор» стадиони маъмурияти стадионни кенгайтириш тадбирларини кўряпти.

Ҳурматли спорт ишқибозлари! Стадионни реконструкция қилиш ишларини бошлаб юборишдан олдин, стадион маъмурияти Сизнинг мулоҳазаларингизни тўплаш ва шу асосда иш кўришни маъқул кўрди. Реконструкция вақтида нималар ҳисобга олиниши керак? Стадиондаги ўринларни кўпайтириш учун сизнинг қандай мулоҳаза ва таклифларингиз бор? Стадионга хизмат кўрсатадиган маданий-маиший бинолар ва объектларни қандай жойлаштиришни маъқул кўрасиз? Умуман, марказий «Пахтакор» стадиони келажакда қанақа бўлишини хоҳлайсиз? Стадион маъмурияти Сиздан ана шу ҳақда таклиф ва мулоҳазалар билдиришингизни сўрайди.

Ўз истак ва мулоҳазаларингиз билан «Пахтакор» стадиони реконструкциясини муваффақиятли амалга оширишда актив иштирок этишингизга тилакдошмиз. Мулоҳазаларингизни қуйидаги адресга йўллашингизни сўраймиз: Тошкент шаҳри, Социализм кўчаси 21. Марказий «Пахтакор» стадиони дирекциясига.

Б. ҒАФУРОВ,
инженер.

Редактор
М. ҚОРИЕВ.

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

РАДИО

21 НОЯБРДА

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

6.03, 8.15, 19.00, 19.10, 19.50, 23.00 — Сўнгги ахборотлар.

6.15 — Концерт, 6.45 — Гимнастика (ўзб.), 7.35 — Эшиттиришлар программаси, 7.40 — Ота-оналар учун (ўзб.), 8.25—Концерт.

9.15 — «Совет Ўзбекистони», 9.23 — «Правда Востока», 9.53 — «Ҳақиқати Ўзбекистон» газеталарининг обзори.

9.30 — Чолғу куйлари, 10.30 — Шарқ халқлари куйлари, 11.10 — Экран янгиликлари, 11.25—Концерт, 12.15 — Эрталабки салом (Москва), 13.00 — Чорвадорлар учун концерт, 13.30 — Концерт, 14.00 — Қишлоқ хўжалик ходимлари учун (ўзб.), 15.20 — Шароф Рашидовнинг «Қудратли тўлқин» романи асосида радиопостановка (ўзб.), 18.00—«Ёшлик» радиостанцияси, 18.40 — Адабий эшиттириш (қоз.), 19.20—Куйлар, 20.00—Концерт, 21.20 — Эстрада концерти, 22.00 — Дунё харитаси олдида (ўзб.), 22.10—Лирик асарлар, 23.10—Концерт.

22 НОЯБРДА

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

6.03, 8.15, 13.30, 18.00, 19.00, 19.10, 19.50, 23.00 — Сўнгги ахборотлар.

6.15 — Концерт, 6.45 — Гимнастика, 7.35 — Эшиттиришлар программаси, 8.25 — Концерт, 9.15 — «Капиталистик мамлакатларда ҳаёт» (ўзб.), 9.30 — Кичик концерт, 9.50 — Халқаро темада (тож.), 10.10 — Йўқ нарсадан кўп ғовға музикасидан парчалар, 10.30 — Қўшиқлар, 11.10—«Партия ташкилоти ва хўжаликнинг рентабеллиги» (ўзб.), 13.00—Чорвадорлар учун, 13.40—Вальслар, 14.00 — Қишлоқ хўжалик ходимлари учун (ўзб.), 16.00 — «Правда» газетасининг обзори, 16.15 — Камер куйлар, 17.00 — «Юность Узбекистана» радиостанцияси, 18.10 — Концерт, 18.30 — Концерт, 19.20 — Концерт, 20.00—Тожикистон радиоси эшиттириши (рус.), 20.10 — Эстрада концерти, 20.45 — «Тежалган миллионлар» (ўзб.), 21.20—Қишлоқ хўжалик ходимлари учун (ўзб.), 22.00—Халқаро темада (ўзб.), 22.10 — Шўх рақслар, 22.40 — Адабий эшиттириш (ўзб.), 23.20—Концерт.

ТЕЛЕВИДЕНИЕ

21 НОЯБРДА

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

Рус тилида: 12.00 — **Инглиз тили** (мактабгача ёшдаги болалар учун), 12.20 — **Мультфильм** (болалар учун), 12.40 — **Классик шоир Абдураҳмон Жомий** (мактаб ўқувчилари учун).

Ўзбек тилида: 13.20 — **Кибальчиш бола ҳақида эртак** (бадиий фильм).

Рус тилида: 17.00 — **Кинофильм** (болалар учун), 17.25 — **Телевизион янгиликлар**, 17.40 — **Реклама ва Эълонлар**, 17.45 — **Сув ости гўзаллари, Тўр тўқувчилар** (ҳужжатли фильмлар).

Ўзбек тилида: 18.05 — **Телевизион янгиликлар**, 18.20 — **Студентлар учун** («Ёшлик» студияси).

Рус тилида: 19.10 — **Кулгили воқеалар** (телефильм), 19.35 — **Майя Кристалинская ва Иосиф Кобзон куйлайди**, 20.15—**Новости дня киножурнали ва «Ы» операцияси ва Шурикнинг бошқа саргўзаштлари»** номли кинокомедия.

21.45 — **Эшиттиришлар программаси.**

Ўзбек тилида: 21.50 — **Шарқ халқлари куйлари.**

ИККИНЧИ ПРОГРАММА

18.00 дан — **Фрунзе телестудияси эшиттиришлари.**

22 НОЯБРДА

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

Ўзбек тилида: 18.00 — **Телевизион янгиликлар**, 18.20 — **Қуёнча ва айиқча ҳақида** (Қўғирчоқ фильм), 19.05 — **Белуха билан учрашув** (телефильм), 19.25 — **Ленин мактаби пропагандистлари.**

19.45 — **Эшиттиришлар программаси.**

Рус тилида: 19.50 — **Телевизион янгиликлар**, 20.05 — **Жаҳон ҳафта ичида**, 20.20 — **Советский воин тележурнали**, 21.10 — **Реклама ва эълонлар**, 21.25 — **Янги театр мавсуми** (Горький номли театрдан).

Ўзбек тилида: 22.25 — **Сўнмас у кунлар шуҳрати** (адабий эшиттириш).

ИККИНЧИ ПРОГРАММА

18.00 дан — **Фрунзе телестудияси эшиттиришлари.**

ТЕАТР

НАВОИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА — 21/XI да кундуз **Доктор Айболит**, кечқурун **Фауст**.

МУҚИМИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА — 21/XI да кундуз **Гули сиёҳ**, кечқурун **Ўғил уйлантириш**, 22/XI да **Тошболта ошиқ**.

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА— **Грузин цирки артистларининг гастроли.**

КИНО

Энди сизни нима деб аташ керак? — «МИР», НАВОИЙ номли, «ЎЗБЕКИСТОН», «ИСКРА» (кундуз ва кечқурун), «СПУТНИК» (тоқ соатларда), САНЪАТ САРОЙИ (кундуз соат 12 ва 2 да), «ДРУЖБА» (кундуз 12,2 ва 4 да), «ЮЛДУЗ» (кундуз 5, кеч 7 ва 9 да).

Улар ўтмайди — СОБИР РАҲИМОВ номли, «МОСКВА» (кундуз ва кечқурун).

Қонун ва мушт — «ЎЗБЕКИСТОН 25 ЙИЛЛИГИ», «ВОСТОК», «ЧАЙКА» (кундуз ва кечқурун), «СПУТНИК» (жуфт соатларда).

Нюрнберг суди (1 ва 2-серия)— «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ», «ЁШ ГВАРДИЯ» (кундуз ва кечқурун), «ДРУЖБА» (кундуз соат 5 ва кеч 8 яримда).

Туманда отилган ўқ (кундуз соат 12 да), **Еттидан ўн иккигача** (эрталаб 10 да)—«ЧАЙКА».

ҲАМЗА НОМЛИ ЛЕНИН ОРДЕНЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА

21, 23, 27 ноябрда

ЯНГИ СПЕКТАКЛЬ

Моримото Каору асари

Ўғирланган умр

3 пардали драма.

А. Абдуллаев таржимаси.

Постановкачи режиссёр — Ўзбекистон ССР халқ артисти **Т. Хўжаев**, рассом — Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган санъат арбоби **Г. А. Визель.**

Спектакль кеч соат 7 да бошланади.

Ўзбекистон КП Марказий Комитетининг ОЙЛИК ЖУРНАЛИ

„Партия турмуши"га

1966 йил учун

ОБУНА ҚИЛИШ ДАВОМ ЭТМОҚДА

Журнал партия қурилишининг турли масалаларига бағишланган материалларни босади, партия ва ҳукумат қарорларини пропаганда қилади, республика партия ташкилотлари фаолиятини ёритади.

Журнал саҳифаларида хўжаликка партия раҳбарлиги ҳақидаги мақола ва хабарлар, партия ташкилотларининг ташкилий-партиявий ва идеология иши масалалари катта ўрин эгаллайди.

Журнал бошланғич партия ташкилотлари иш тажрибасидан материалларни, шунингдек партия ташкилотлари секретарларига ёрдам тариқасида консультацияларни мунтазам бериб боради.

Журнал саҳифаларида пропагандистларга ва партия маорифи шохобчаларидаги тингловчиларга ёрдам материаллари доимо чиқариб турилади.

Журнал касаба союз ва комсомол ташкилотлари ҳаётига бағишланган мақола ва хабарлари, коммунистлар, меҳнат қаҳрамонлари, ишлаб чиқариш новаторлари ҳақида ҳикоялар, очерклар ва лавҳалар бериб боради.

Журнал саҳифаларида танқид-тақриз мақолаларини, журналхонлар саволларига жавоблари, халқаро темаларга бағишланган мақолаларни ўқиб туришингиз мумкин.

Журнал ойда бир марта ўзбек ва рус тилларида чиқади.

Журналга «Союзпечать»нинг барча бўлимларида, Ўзбекистон ССРнинг алоқа узеллари ва бўлимларида обуна қабул қилинади.

Обуна баҳоси: бир йилга — 1 сўм 80 тийин, олти ойга — 90 тийин, уч ойга—45 тийин.

1965 йил 2 декабрь кундуз 2 да, Ўзбекистон ССР Фанлар академияси Тарих ва археология ҳамда Шарқшунослик институтларининг бирлашган илмий совети мажлисида (Гоголь кўчаси, 70-уй, ижтимоий фанлар бўлимининг конференц-зали) тарих фанлари кандидати деган илмий даражани олиш учун

ДИССЕРТАЦИЯ ЁҚЛАЙДИЛАР

Р. Х. Аъзамова: «Ўзбекистонда олий таълимнинг ривожланиши (1959—1965 йиллар)» деган темада.

М. Қодиров: «Ўзбекистон касаба союзлари етти йилликда ишчилар синфининг меҳнат активлигини ошириш учун курашда» деган темада.

Диссертациялар билан Фанлар академияси кутубхонасида танишиш мумкин (А. Тўқаев кўчаси, 1-уй).

Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг Радиоэшиттириш ва телевидение Давлат комитети коллективи халқ чолғу оркестрининг солисти З. Обидовга ўғли

СОБИРЖОННИНГ

бевақт вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

БИЗНИНГ АДРЕСИМИЗ: «ПРАВДА ВОСТОКА» КЎЧАСИ, № 26.

РЕДАКЦИЯ ТЕЛЕФОНЛАРИ: Редактор — 26545. Редактор ўринбосарлари — 27914, 29323. Масъул секретарь — 34455. Масъул секретарь ўринбосарлари—27283. Партия турмуши—33469, 27221. Марксча-ленинча назарияни пропаганда қилиш ва халқаро ҳаёт — 31226. Коммунистик тарбия — 31455. Саноат, қурилиш ва транспорт — 34780. Совет қурилиши — 33258. Қишлоқ хўжалиги — 27604. Адабиёт ва санъат — 32036, 27221. Фан, мактаб ва олий ўқув юртлари — 34451. Маҳаллий ахборот — 32347. Оммавий ишлар ва хатлар — 29005, 33553. Иллюстрация — 34524. Стенографистка — 27343. Эълонлар — 28142. Коммутатор — 30249, 30250, 30251, 30252, 30253, 30254, 30255, 30256, 30257, 30258.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Бирлашган нашриётининг босмахонаси. Тошкент шаҳри.

№ 273. ИНДЕКС 64543. Р. 01357.